

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Гуламназаров Дилмурод Ахрарович

Жаҳон технологиялар бозорида трансмиллий корпорацияларнинг
фаолияти таҳлили

5А 231102 – Жаҳон иқтисодёти

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Проф. Н.Х.Хайдаров

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Жаҳон технологиялар бозори ва трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш хусусиятлари	8
1.1. Жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш хусусиятлари . .	8
1.2. Трансмиллий корпорацияларнинг моҳияти, шаклланиш сабаблари ва асосий шакллари	14
1.3. ТМКларнинг илмий-технологик фаолиятини ривожлантириш омиллари ва хусусиятлари	20
1-боб бўйича хулоса	26
2-боб. Замонавий жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиши ва унда трансмиллий корпорациялар фаолиятининг таҳлили	28
2.1. Жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлили	28
2.2. Замонавий жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг фаолияти таҳлили	34
2.3. Жаҳон иқтисодиётида халқаро технологик стратегик альянсларнинг тугган ўрни	44
2-боб бўйича хулоса	49
3-боб. Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозоридаги иштирокини ривожлантириш йўналишлари	51
3.1. Ўзбекистоннинг миллий технологик ривожланишида хорижий тажрибанинг аҳамияти	51
3.2. Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозорида иштирок этиш тенденциялари	57
3.3. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва такмиллаштириш йўналишлари	64
3-боб бўйича хулоса	73
Хулоса ва таклифлар	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82
Иловалар	86

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳақиқий ўрнини биринчи навбатда илмсиғимли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юқоритехнологик тармоқларнинг ривожланиши белгилаб беради.

Энг юқори илмсиғимли салоҳиятга эга технологик новациялар, иқтисодий ривожланишдаги кўламли ўзгаришлар асосига айланади. Шу билан бирга бу ўзгаришлар янги авлод маҳсулотига қондирилмаган талаб таъсири остида жаҳон бозорининг тезкор ривожи билан ривожланади. Миллий ЯИМ тузилмасида кенгайиб бораётган юқори технологик маҳсулотлар улуши жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожланиш динамикасини тобора фаолроқ белгилаб беришни бошламоқда.

Жаҳон технологиялар бозорида асосий субъектлар сифатида ТМКлар иштирок этади, уларда бош ва шўъба компаниялар ИТТКИ натижаларидан биргаликда фойдаланадилар. Натижада, жаҳон технологиялар бозори миллий технологиялар бозорига нисбатан яхшироқ ривожланган. Жаҳон технологиялар савдосининг 2/3 қисмига яқини ТМКнинг ички фирма савдосига тўғри келади. Саноати ривожланган мамлакатлар лицензия тушумларининг 60%дан ортиғи корпорация ички тушумлари ҳиссасига тўғри келади (АҚШда - 80%).

Энг йирик ТМКлар тадқиқотларни ўз қўли остида тўплайди, бу эса жаҳон технологиялар бозорининг монополлашишига олиб келмоқда (монополистик назорат даражаси 89-90%ни ташкил қилади);

Жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг мустақил фирмалар ва мамлакатларга нисбатан стратегияси технологияларнинг ҳаётийлик цикли билан аниқланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш учун бошқарув

услуглари ва механизмларини такомиллаштириш заруратга айланмоқда. Шуларни ҳисобга олганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин».¹

Шунингдек, “юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”.²

Ушбу вазифаларни амалга оширишда жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш тенденцияларини, унинг асосий субъектлари сифатида трансмиллий корпорацияларнинг илмий-технологик айирбошлаш фаолияти хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш омиллари, унинг самарадорлигини ошириш йўллариини ўрганиш долзарб мавзулардан биридир.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси.
Замонавий иқтисодий ривожланиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишга

¹ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. -Халқ сўзи № 14 (5434). 2012 йил 20 январь.

² И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

мамлакатимиз олимлари М. Шарифхўжаев, А. Ёлмасов³ кабилар катта ҳисса қўшди. Ўзбекистонда инновацион ривожланишга ўтиш назарияси ва амалиёти Чепель С.В.⁴, Расулев А.Ф., Ғуломов С.С. ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида қўриб чиқилган.

Россиялик ҳамда узоқ хорижий давлатлар олимларидан Л. Абалкин, П. Друкер, М. Портер, Р. Солоу, Дж. Стиглиц ва бошқалар замонавий иқтисодий назария фанини ишлаб чиқишда салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг иқтисодий ривожланиш янги сифат босқичларини шакллантириш жараёнини ўрганиш бўйича услубий ёндашувлари, инновацион, стратегик ва тизимли эконометрик моделлар асосида иқтисодиётни бошқариш ўтишининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослашлари алоҳида илмий қизиқиш уйғотади.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади жаҳон технологиялар бозорида трансмиллий корпорацияларнинг илмий-технологик айирбошлаш фаолияти хусусиятларини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Жаҳон технологиялар бозори ва трансмиллий корпорацияларнинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;
- Замонавий жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- Замонавий жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг фаолиятини таҳлил қилиш
- Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозорида иштирок этиш хусусиятларини таҳлил қилиш;

³ Шарифхўжаев М., Ёлмасов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 267 б.

⁴ Чепель С.В. Роль институционального фактора в обеспечении условий перехода к инновационной модели экономического развития. // Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI - ASIA, 2011. – С. 5-9.

- Ўзбекистонда инновацион фаолиятни такомиллаштириш омилларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертациясининг объекти жаҳон технологиялар бозори ҳисобланади. Унда трансмиллий корпорацияларнинг илмий-технологик айирбошлаш фаолияти ва уни ривожлантириш йўналишлари ва хусусиятлари илмий ишнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари - қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асар ва маърузалари, мамлакат ҳукуматининг инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича қарорлари, шунингдек мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг халқаро иқтисодий муносабатларга, жаҳон иқтисодиётига оид асарлари ва вақтли нашрлардаги мақолалар.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг асосий натижаларидан мамлакатимизнинг технологик ва инновацион ривожланиши орқали жаҳон хўжалик тизимида интеграциясида, республикада инновацион фаолиятни такомиллаштиришда, шунингдек “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро савдо” каби махсус фанлардан маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- жаҳон технологиялар бозорининг замонавий ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган;
- жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг фаолияти таҳлил қилинган;
- Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозорида иштирок этиш хусусиятлари таҳлил қилинган;
- Ўзбекистонда инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Илмий ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация таркибан кириш,

учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг «Жаҳон технологиялар бозори ва трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш хусусиятлари, трансмиллий корпорацияларнинг моҳияти, шаклланиш сабаблари ва асосий шакллари ва уларнинг илмий-технологик фаолиятини ривожлантириш омиллари ва хусусиятлари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Замонавий жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиши ва унда ТМКлар фаолиятининг таҳлили” деб номланган бўлиб, унда жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш тенденциялари, унда ТМКларнинг фаолияти ҳамда халқаро технологик стратегик альянсларнинг тутган ўрни таҳлил этилган.

Ишнинг “Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозоридаги иштирокини ривожлантириш йўналишлари” номли учинчи бобида Ўзбекистоннинг миллий технологик ривожланишида хорижий тажрибанинг аҳамияти, Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозорида иштирок этиш тенденциялари, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари кўриб чиқилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Диссертацияда жаҳон технологиялар бозорининг асосий субъектлари сифатида трансмиллий корпорацияларнинг илмий-технологик айирбошлаш фаолиятининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган, Ўзбекистонда технологик ва инновацион ривожланиш жараёни хусусиятлари ва уни такомиллаштириш йўналишлари кўриб чиқилган ва умумий хулосалар берилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

1-БОБ. ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОЗОРИ ВА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш хусусиятлари

XX асрнинг асосий хусусиятларидан бири фан ва техниканинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши бўлди. Сўнгги юз йил давомида халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги ахборот-технология тузилмаси вужудга келди ва шаклланди. Унинг негизини жаҳон ахборот ва технологиялар бозори ташкил этади. Иқтисодий нуқтаи назардан ахборот - бу бизни қизиқтираётган объект тўғрисидаги билимларимиз ҳажмини кенгайтирувчи янги маълумотлар йиғиндиси бўлиб, у қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: фойдаланиш жараёнида йўқотилиб кетмаслиги, моддий предметлар амортизациясига нисбатан бошқача «қариш» механизмига эгалиги ва универсал қиймат баҳосининг мавжуд эмаслиги.

Технология жаҳон бозорига ишлаб чиқаришнинг усул ва услублари, шунингдек, уни ташкил этиш ҳамда бошқариш кўринишлари тўғрисидаги илмий-техник билимлар мажмуаси сифатида чиқади. Ҳар қандай янги технология маълум “ҳаётий цикл”ни ўтади. У яратилгандан сўнг маркетинг, реклама каби омилларга боғлиқ равишда ўз истеъмолчисига эга бўлувчи товар ҳисобланади холос. Кейинчалик, муваффақиятли жорий этилса, бу технология ўзининг яратувчисига фойда олиб келади, фойда миқдори вақт ўтиши билан максимумга эришади ва шундан сўнг камайиб боради. «Ҳаётий цикл»нинг охири босқичида технология замонавийлаштирилади ёки янгиси билан алмаштирилади. Шундай қилиб технология-товарни тижорий мавжуд бўлиш босқичлари ҳар қандай маҳсулотнинг «туғилиш, етуклик ва қариш» босқичларига мос келади. Бироқ бошқа товарлардан фарқли ўлароқ, ахборот ва технологияларнинг қиймати кўчмас мулк ва қимматли қогозлар қийматига ўхшайди, яъни улардан фойдаланишдан келадиган фойда миқдorigа боғлиқ бўлади ва технологияга ахборотлар бозорида сотиш давомида вужудга келадиган қўшимча даромад билан белгиланади. Бу ерда гап технологик

рента хусусида кетяпти.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг объектлари - бу моддий (қурилмалар) ва номоддий (турли кўринишдаги ахборотлар, ишлаб чиқариш тажрибалари ва билимлар) кўринишидаги интеллектуал фаолият натижаларидир. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорида давлат тузилмалари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар-мутахассислар катнашади. Маълумотлар ва технологиялар жаҳон бозори жуда тез ривожланмоқда. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ахборот ва технологиялар тармоғи АҚШ ЯИМининг салкам 75 фоизини таъминлаган. Мамлакат фаровонлиги манбалари анъанавий ишлаб чиқариш омилларидан ахборот ресурслари томон кўчмоқда.

Ижод қилиш жараёни, айниқса, илмий-техник соҳадаги ижод қилиш жараёни ривожланган мамлакатларда тараққиётга ёрдам берувчи йўлдошгина эмас, балки тараққиётнинг асосий омилига айланиб бормоқда, зеро бу жараён ишлаб чиқариш соҳасига кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Алоҳида давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларининг дифференциаллашуви кучаймоқда, натижада миллий иқтисодиётларнинг илмий-техник етуқлиги даражасидаги фарқ ортиб бормоқда. АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Буюкбритания илмий-тадқиот ва тажриба-конструкторлик ишларига дунёнинг қолган барча мамлакатларининг биргаликдаги харажатларидан кўпроқ маблағ сарфлайди. Бу беш давлатнинг ичида АҚШнинг улуши 50 фоиздан ошади. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар, айниқса янги индустриал давлатларнинг қолоқликни бартараф этиш, замонавий инфратузилмани яратиш, ташқи бозорларга ўз товарлари билан чиқиш учун янги технология ва ахборотларга қизиқиши ортиб бормоқда.

Ахборот ва технологиялар билан халқаро айирбошлаш ҳамкорлар ўртасидаги узоқ муддатли ўзаро алоқалар жараёнини акс эттиради. У ахборот технологияларни танлаш ва сотиб олиш, уларни аниқ локал шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш, кейинчалик модификациялаш ёки бошқа

янги, замонавийларига алмаштиришни назарда тутди.

Ахборот-технологиялар айирбошлашни асосий каналларига қуйидагилар киритилади:

- давлатлараро (илмий-техникавий ҳамкорлик дастурлари ёки ташқи савдо битимлари бўйича);
- фирмалараро (хорижий ҳамкорлар билан кенг қўламдаги шартномалар бўйича);
- фирма ичидаги (бир корпорация тузилмалари ўртасида, яъни турли мамлакатларда фаолият олиб боровчи шахобчалар ва шўъба корхоналар ўртасида).

Кейинги йилларда айнан фирма ичидаги ахборот-технологиялар етказиб бериш халқаро айирбошлаш каналлари ичида, айниқса, патент-лицензия савдоси соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Бундай айирбошлашга тавсиф беришда шуни қайд этиш жоизи, айирбошлаш ҳам тижорий, ҳам нотижорий кўринишларда мавжуд бўлиши мумкин. Ҳамма нарса сотувчи ва харидор (ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи) ўртасидаги битимда пул тўловларининг амалга оширилиш оширилмаслигига боғлиқ.

Нотижорий кўринишлардан бошлайлик, улар қуйидагиларни кўзда тутди:

- маълумотлар манбалари (махсус адабиётлар, Интернетнинг ахборот массивлар, маълумотлар базаси кабилар)дан текин фойдаланиш;
- конференция, кўргазма ва клубларда олимлар ва кашфиётчилар ўртасидаги шахсий алоқаларда ғоялар, тамойиллар, янгиликлар билан айирбошлаш;
- мутахассисларнинг чет эллардаги давлат ва хусусий компанияларда тажриба ортириб келиши;
- илмий техникавий кадрларнинг вақтинчалик ёки қайтиб келмаслик асосидаги миграцияси.

Нотижорий трансфертда етакчи ўринни патентлаштирилмаган (муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қувоҳнома билан ҳимояланмаган)

маълумотлар ва технологиялар эгаллайди.

Интеллектуал фаолият натижаларини тижорий айирбошлашга келсак, уларнинг ичида энг кенг тарқалган кўринишлари ичида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш жоиз: технологияларни моддий кўринишда сотиб олиш-сотиш ва ижарага олиш, патент-лицензиялар айирбошлаш, бозорда ноу-хаулар сотиш, инжиниринг, франчайзинг, консалтинг.

Технологик қурилмаларни олди-сотдиси умуман олганда товар ва хизматлар савдоси соҳасига киради. Бинобарин, юқоридаги қараб ўтилган барча ҳолатлар (қурилмалар ва технологияларни ижарага олиш, хусусан лизинг) унга ҳам ҳосдир. Бошқа тижорий кўринишларга келсак, бу ерда патентли-лицензион айирбошлаш муҳим рол ўйнайди.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан патент - бу унинг эгасига ўз кашфиётини маълум ҳудудда маълум вақт оралиғида танҳо ишлаб чиқариш, сотиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади.

Илмий янгиликларни жорий этиш муддатларини қисқартириш зарурияти лицензияларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Лицензия ахборот-технологиялар айирбошлаш соҳасида янгилик муаллифининг учинчи шахсларга ўз кашфиётидан вақтинча ва маълум шартлар асосида бонус тўлови эвазига фойдаланишга руҳсат этишидир.

Ишбилармонлик амалиётида лицензияларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- оддий лицензия - лицензиатга (харидорга) лицензия объектидан маълум чегарада фойдаланиш ҳуқуқини беради, лицензиар (патент эгаси, кашфиёт муаллифи) эса лицензияни бошқа шахсларга ҳам сотиши мумкин;
- махсус лицензия - лицензиат лицензия объектидан маълум бозорда танҳо фойдаланиш имкониятига эга болади;
- тўла лицензия - патентдан фойдаланишнинг барча ҳуқуқлари харидорга ўтади, яъни у амалда сотилади;
- чапараста лицензия - икки ҳамкор ортасида лицензияларни ўзаро айирбошлашни назарда тутлади;

- ошкор лицензия - патент эгасининг лицензияни ҳар қандай шахсга таклиф этишга тайёрлигини кўзда тутати;

- мажбурий лицензия - лицензияларни олди-сотдиси жараёнига маълум вазиятларда давлат органларининг иштирок этиши мумкинлигидан далолат беради;

- хамроҳли лицензия - қурилмаларни етказиб бериш илова қилинади.

Агар лицензия сотувчи лицензияланаётган объект масаласида сир сақланишидан манфаатдор бўлса, опцион келишувдан фойдаланилади. Унга кўра харидор лицензия умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида пул ўтказиши ва сир сақлаш шарт билан ахборотларга рухсат олади ва шундан кейин уни сотиб олиш масаласини ҳал этади. Агар у лицензияни сотиб олса, ўтказилган пул битимнинг умумий ҳажмида ҳисобга олинади, агар хариддан воз кечса, аванс тўлови сотувчида қолади.

Лицензия шартномасини имзолашда умумий тўловлар роялти ёки паушал тўлов кўринишида амалга оширилади. Роялтида умумий тўлов лицензия бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигидан амалга оширилади, паушал тўловда эса умумий сумма бўлиб-бўлиб (масалан, 20 фоизи шартнома тузилганда, 30 фоизи техник ҳужжатлар имзоланганда, 30 фоизи маҳсулот чиқа бошлаганда, 20 фоизи кафолат тўловлари кўринишида) тўланади. Лицензион битимларнинг амал қилиш муддати одатда 10 йилдан ошмайди, ўртача 5-7 йил.

Ахборот-технологиялар айирбошлашнинг ривожланишини сўнгги йилларда ноу-наулардан фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ноу-хау патентлаштирилмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирларидир. Ноу-хау олди-сотдиси патенсиз лицензиялар деб аталувчи савдо схемасида амалга оширилади. Бундай битимларнинг муддати 3-7 йилга тенг бўлади. Патентли-лицензион айирбошлашдан фарқли равишда ноу-хауни сотиб олиш ва ундан фойдаланиш асосини тижорий сир ташкил этади. Бунда рақобатчилар технологияларни ана шундай ноу-хау асосида мустақил равишда ишлаб чиқиш имкониятига эгадирлар.

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозори соҳасида инжиниринг, франчайзинг и консалтинг кенг тарқалган. Инжиниринг ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектини куриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш ва хизмат кўрсатишни билдиради. Франчайзинг бир компания томонидан бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиш билан боғлиқдир. Консалтинг консалтинг-фирма томонидан ҳар қандай истеъмолчига кенг кўламдаги маслаҳат хизматлари кўрсатишни билдиради.

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорини кузатиш Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ), Умумжаҳон интеллектуал мулк бўйича ташкилот (штаб-квартираси Женевада жойлашган, 156 мамлакат аъзо), Европада эса Европа патент ташкилоти кабилар томонидан амалга оширилади. Европа патент ташкилоти, Япония патент бошқармаси ва АҚШ патент ва товар белгилари бюросининг уч томонлама ҳамкорлиги 1983 йилдан бери амалга оширилиб келмоқда, унда дунёдаги 90 фоиз кашфиётлар қайд этилган.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ва миллий муассасалар олдида турган энг муҳим муаммо «қароқчилик» ва саноат жосуслигига қарши кураш ҳисобланади.

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорида халқаро айирбошланишнинг кенгайишига таъсир этувчи муҳим омил сифатида трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолиятини келтириш мумкин. Йирик ТМКлар рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш жараёнига технологиялар билан ёриб кириш учун ўзларининг илмий-тадқиқот марказларини яратишмоқда. Ўрта ва кичик компанияларга келсак, улар зарар кўрмаслик учун йирик компаниялардан ахборот ва технологиялар сотиб олишга мажбурдирлар. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг ривожланишига ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш жараёни ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантиришдан иборат узоқ йўл инновацион фаолият деб аталади. Халқаро

тажрибалардан маълумки, бу жараённинг асосий унсури - ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиликларни тижоратлаштириш, ахборот билан таъминлаш ва ходимлар тренингига ихтисослашувчи инновацион-технологик марказлар (ИТМ)ни яратишдир. ИТМлар кўплаб ўрта ва кичик корхоналарни бирлаштирувчи конгломератлар саналади. Давлат эса бундай марказларга илмий-ишлаб чиқариш ва сервис Эркин иқтисодий ҳудудлари доирасида илғор лойиҳалар ва янги технологияларни синовдан ўтказиш учун ўзига хос «инкубатор»ларни яратиш орқали кўмаклашиши мумкин.

ИТМлардан ташқари инновацион фаолиятда НИОКР билан шуғулланувчи махсус бўлимларига эга бўлган ТМКларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, илмий-техникавий янгиликларга қилинадиган харажатлар «ИБМ» ва «Кодак» компаниялари савдодан тушган даромадларининг 6 фоизигача миқдорга етади, «Боинг»да — 5,5 фоиз, «Хегох»да эса — 4,7 фоиз. Сотиб олинган патентлар ва лицензияларнинг 4/5 қисми халқаро корпорацияларга тўғри келади.

Инновацион фаолиятнинг кенгайиб бориши янги кашфиётлар ва ресурсларни тежовчи технологик жараёнларни жорий этишга асосланган илм сиғимли товарларни ишлаб чиқариш билан боғлиқки, улар харажатларни камайтириш ва буюмнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашни таъминлайди. Дунёнинг етакчи мамлакатлари НИОКРга катта миқдорда бюджет ассигнацияларини ажратишади. Масалан, Японияда бу мақсадларга ЯИМнинг 3, АҚШда - 2,54, Францияда — 2,34, Германияда — 2,26, Буюкбританияда — 2,05 фоизи сарфланади.

1.2. Трансмиллий корпорацияларнинг моҳияти, шаклланиш сабаблари ва асосий шакллари

Халқаро компаниялар миллий капитални бошқа давлатларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида олиб чиқувчи ташкилотлардир. Анъанавий равишда халқаро корпорацияларга БМТ методикаси бўйича узоқ вақт мобайнида йиллик айланмаси 100 млн.

доллардан ошувчи ва камида 6 та давлатда филиали бўлган фирмалар киритилган. Кейинги йилларда бошқа бир кўрсаткич: резидент-давлатдан ташқарида сотилган маҳсулотлар миқдори ҳам киритилди. Бу кўрсаткич бўйича жаҳонда Швейцариянинг “Нестле” фирмаси (98%) илғорлардан бири бўлиб ҳисобланади.

БМТ методологиясига кўра халқаро корпорацияларни унинг фаолият кўрсатиш соҳаси ва таркибий тузилмасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Трансмиллий корпорациялар ичида энг кўп хорижий активга (молия сектори бўлган трансмиллий банклардан ташқари) эга Англия-Голландия концерни “Рояль-Датч” турса, кейинги ўринларда АҚШнинг 4 фирмаси: “Форд”, “Женерал Моторс”, “Эксон” ва “ІВМ” туради.

Замонавий халқаро компанияларнинг кўпчилиқ қисми трансмиллий корпорацияларни, ташкилий шакли бўйича эса концернларни ифода этади. Улар илгариги турли давлатлар капиталининг оддий бирлашуви ва иштирокчилари ўз капиталларининг мулкдори бўлиб қолган картеллар, синдикатлар, трестлардан маълум даражада фарқланади. Уларга тескари ҳолда ХХ асрнинг типик концерни одатда турли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича диверсификацияланган капиталнинг ягона мулкдоридир.

Замонавий халқаро компаниялар трансмиллий, яъни ўз миллатига эга бўлган ёки кўпмиллатли бўлиши мумкин. Трансмиллий корпорациялар бош компания (одатда у компания миллатини аниқлайди) ва унинг хорижий филиалларини ўз ичига олувчи субъектлар тизимини ифодалайди. Бош компания бошқа давлатлардаги хорижий филиаллари активини назорат қилади ва одатда уларнинг капиталида ўз улушига эга бўлади.⁵

Трансмиллий корпорацияларнинг ҳуқуқий режими ташкил топган филиаллар ва шўъба корхоналари орқали турли давлатларда фаолият юритишини назарда тутди. Бу корпорациялар нисбатан мустақил бўлган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқиқот, истеъмолчиларга ҳизмат кўрсатиш хизматларига эгадирлар. Умуман улар

⁵ Nazarova G. va boshqalar. Xalqaro menejment. Darslik. T.: TDIU, 2011, 45-bet.

ягона ишлаб чиқариш – сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмуада хиссдорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қилади. Шу билан бирга филиал ва шўъба корхоналари аралаш корхоналар бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин. Трансмиллий корпорацияларнинг оптимал бошқаруви асосий корпорация томонидан хорижий филиалларни ўзлуксиз бошқариб туриш имкониятини яратиши керак. Лекин айни пайтда бу бошқарув хорижий филиаллар менежерларига маҳаллий бозор хусусиятлари ва маҳаллий қонунчиликка мос равишда истеъмолчилар талабларини қондирувчи қарорлар чиқариш имкониятини бермоғи лозим.

Бош компания ТМК корхоналари тизимининг маъмурий марказидир. Унинг вазифалари қаторига одатда бошқа корпорациялар билан қўшилиши, янги филиаллар сотиб олиш ва самарасиз корхоналарни тугатиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш; корпорация ва филиалларнинг ўзоқ муддатли ишлаб чиқариш, инвестиция ва молия сиёсатини шакллантириш; хорижий филиалларнинг молияси ва НИОКР назорат қилиш киради.

Хорижий филиалларнинг асосий ташкилий шакллари қуйидагича:

- шўъба корхонаси (subsidiary) – хорижда жойлашган бундай корхонада асосий корпорация акцияларининг ярмидан кўпига эгалик қилади. Шунинг учун ҳам асосий корпорация хал қилувчи овозга ҳамда корхонага раҳбар тайинлаш ҳуқуқига эга.

- ассоциациялашган корпорация (associate) – бу корхона акцияларининг 10% дан 50% гача асосий корпорацияга тегишли бўлади. Асосий корпорация корхонани тўлиқ назорат қилмасада, уни бошқаришда иштирок этади.

- бўлим (branch) – асосий корпорация бу хорижий филиалга тўлиқ эгалик қилади ёки бу корхона ТМК қўшма корхонасининг бир қисми ҳисобланади. Бўлимлар бир неча шаклларда бўлиши мумкин: асосий корпорациянинг хориждаги ваколатхонаси; ҳамкорлик, шу жумладан хорижий шериклар билан; мулк шаклида (кемалар, самолётлар, газ ёки нефть қазиб олувчи платформалар).

Кўпмиллий корпорациялар (КМК) – ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотчилик асосида бир неча давлат миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациядир. Бунга 1907 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Англия-Голландия “Рояль-Датч шелл” концернини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу корпорациянинг ҳозирги кундаги капитали 60/40 нисбатда тақсимланган. Кўпмиллий корпорацияларга машинасозлик, электрон инженерликка ихтисослашган Европада машҳур бўлган Швейцария – Швеция АВВ (Asean Brown Boveri) корпорацияларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин. Европанинг илғор кўпмиллий корпорациялари қаторига Англия – Голландиянинг кимё-технология концерни “Юнилевер”ни ҳам қўшиш мумкин. “Юнилевер” 1929 йили “Маргарин Юни” (Дания) ва “Левер Бразерз” (Буюк Британия) фирмаларининг бирлашиши натижасида вужудга келди. Шу даврдан бошлаб у деярли 60 та давлатда 500дан ортиқ хорижий филиаллари бўлган энг йирик халқаро компаниялардан бири даражасигача ўсиб етди. “Юнилевер” компанияси иккита штаб-квартирага эга - бири Лондонда, иккинчиси - Роттердамда жойлашган.

Трансмиллий ва кўпмиллий корпорацияларлар қаторига халқаро корпорациялар ичида ажралиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) ҳам қўшиш керак. Улар 80-йилларда вужудга келган бўлиб, йилдан-йилга кучга кириб бормоқда. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун қудратини намоён этишиб, улар кўпроқ кимё, электротехника, электрон, нефть, автомобиль, ахборот, банк ва бошқа бир неча соҳалар бўйича глобаллашиб бормоқда.

Трансмиллий корпорацияларни пайдо бўлишининг умумий сабабларидан бири миллий - давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви – йирик корпорациялар томонидан хорижий мамлакатларда ўз бўлимларини ташкил этилиши ва миллий корпорацияларнинг трансмиллий корпорацияларга айланиши орқали экспансия характери бўлишлигидадир. Капитал олиб чиқиш халқаро

корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилidir. Трансмиллий корпорацияларни вужудга келишининг аниқ сабаблари каторига ҳаддан ташқари кўп фойда олишга интилиш омилларини ҳам кўрсатиш мумкин. Ўткир рақобат, бу курашда тирк қолиш зарурияти ҳам халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси ўз навбатида ТМК пайдо бўлишига олиб келди.

Жаҳон ҳўжалигида рўй берувчи иқтисодий жараёнларнинг объектив натижаси сифатида вужудга келган трансмиллий корпорациялар қатор ўзига хос хусусиятларга эга. ТМК халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси бўлиб, унинг ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Трансмиллий корпорациялар капиталининг ҳаракати, одатда, корпорация жойлашаган давлатда бўлаётган иқтисодий ва бошқа жараёнлардан мустақил равишда рўй беради. Трансмиллий корпорациялар, одатда, йирик инвестициялар ва юқори малакали персонал талаб қилувчи юқори технологияли, илмий инқилобий соҳаларга кириб борди. Ушбу соҳаларда трансмиллий корпорациялар томонидан монополия қилиш тенденцияси сезилмоқда. Халқаро корпорацияларни вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, ўз қўлида жаҳоннинг кундалик электр жиҳозлари ва саноат ускуналари бозорларини 25%ни ушлаб турган “Электролюкс” ТМКни кўрсатиш мумкин. 1912 йилда икки Швед корпорацияларининг бирлашиши натижасида вужудга келган “Электролюкс” корпорацияси 1920 йиллардаёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорига чиқиб, у ерларда ҳам ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилган эди. Охириги ўн йилликларда “Электролюкс” трансмиллий корпорацияси АҚШда учинчи ўринда турувчи “Вестингауз”, “Гибсон” ва бошқа маркалар остида кундалик техник асбоб – ускуналар чиқарувчи “Уайт Консолидейтед” корпорациясини, Италия ва бутун Жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи “Занусси” фирмаси ва шунингдек, ГФР асосий электр товарлари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “АЭГ” фирмасини сотиб олган эди. Бу уч фирмани қўшиб олгандан сўнг “Электролюкс” 75 мамлакатда кундалик электротехника

асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ривожланган тизимга эга бўлиб, бу соҳада жаҳон лидер корпорацияларидан бирига айланди. 90-йилларнинг ўрталарида бу трансмиллий корпорациянинг корхоналарида 110 мингдан ортиқ киши ишлаб, унинг йиллик айланмаси 1999 йилдан 16 млрд долларни ташкил этган эди. Ўз экспансиясини кенгайтиришда, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларида фойдаланадилар. Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади, ҳиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг қатнашишига боғлиқ эмас. ТМК иқтисодиётининг бундай шаклларида қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) лицензия бериш; 2) франчайзинг; 3) бошқарув шартномалари; 4) техник ва маркетинг хизматларини кўрсатиш; 5) корхоналарни “калит остида” топшириш; 6) вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш шартномалари ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувлардир.

Лицензион келишувлар жаҳон мамлакатларида жуда ҳам кенг тарқалгандир. 2000 йилларда ТМКнинг лицензион келишувларининг ҳажми 1970 йилларга нисбатан қарийиб 12 баробарга ўсган эди. Лицензион келишув юридик шартнома бўлиб, унга кўра лицензия берувчи лицензия олувчига маълум муддатга тўлов эвазига маълум ҳуқуқларни беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари бўйича ҳам, техник – технологик беришнинг ташқи каналлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг – узоқ муддатга мўлжалланган лицензион келишувдир. Бунда франчайзер мижоз – фирмага маълум ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқлар ўз ичига маълум тўловлар эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш, ишчи кучи малакасини ошириш, савдо ва бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларни олади. 80-йилларнинг охиридан бошлаб бошқарув ва маркетинг хизматларини кўрсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансияси шакли жаҳон мамлакатларида тарқалмоқда. Бошқарув хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага кўра, корхонани оператив назорат қилиш маълум тўлов эвазига

бошқа корхонага берилади.

Техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномага кўра трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг қандайдир махсус томонига боғлиқ бўлган техник хизматларни амалга оширадилар. Кўпинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни ремонт қилиш, “ноу-хау”дан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар, аварияларни тузатиш ва сифатни назорат қилиш билан боғлиқ бўлади. Кейинги йилларда заводларни “калит остида” топшириш ҳақидаги шартномалар кенг тарқалмоқда. Бунда трансмиллий корпорация маълум объектни режалаштириб, уни куриш учун зарур бўлган барча (иш) фаолиятини амалга ошириш жавобгарлигини олади.

1.3. ТМКларнинг илмий-технологик фаолиятини ривожлантириш омиллари ва хусусиятлари

ТМКлар замонавий жаҳон иқтисодиётининг энг динамик субъектларидан бири бўлиб, пайдо бўлиш давридан бери жиддий тараққий этди. Улар “колониал-хомашё” ТМКлардан бошлаб глобал компанияларгача ривожланиб борди. ТМКларнинг эволюцияси уларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши билан бирга ривожланиб борди. 30-йилларда уларнинг сони 300 та бўлган бўлса, XXI аср бошида 82 мингтага етди.⁶

Ҳозирги вақтда ТМКларнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири жуда юқори. XXI асрнинг бошига келиб, 700 мингдан ортиқ хорижий филиалларини бошқараётган 80 мингдан зиёд компаниялар рўйхатдан ўтган. ТМКнинг қўл остида хусусий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 30 %, халқаро савдонинг 50 %га яқини мужассамланган. Трансмиллий корпорациялар томонидан жаҳон бозорларидаги деярли бутун хомашё савдоси, шу жумладан бугдой, кофе, жўхори, ўрмон материаллари, тамаки, темир рудаси жаҳон савдосининг 90 %, мис ва бокситнинг 85 %и, чой ва қалайнинг 80 %и, банан, табиий каучук ва хом нефтнинг 75 %и назорат қилинади. Улар ҳиссасига илм-фан ва техника соҳаларида патентланган ва татбиқ этилган

⁶ UNCTAD World Investment Report -2009.

барча янгиликларнинг 80 %и тўғри келади.

Йирик ТМКлар кўпинча ўз фаолиятини илмий-техник тараққиётини белгиловчи тез ривожланаётган саноат тармоқларига қаратади. Улар 90-йилларнинг охирида компаниянинг 100 та йирик ТМКлар рўйхатига кирган компаниялар хорижий активларининг 15 %дан юқорироғи тўғри келадиган электроника саноатига жуда фаол қизиқмоқда. Бу рўйхатларда кимё, казиб олиш ва автомобил саноати корпорациялари юқори ўринларни эгаллайди. ТМКлар катта ҳажмдаги халқаро иқтисодий битимларни амалга ошира туриб, уларда савдогарлар (тижоратчилар), тўғри ва портфель сармоядорлар, самарали технологияларни тарқатувчилар, халқаро меҳнат миграциясининг рағбатлантирувчи сифатида иштирок этади.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда юқори самарадорликка эришишда тобора кўпроқ «янги иқтисодиёт» омиллари (брендлар, гудвиллар, тармоқли технологиялар, ноанъанавий маркетинг ва ҳоказо) қўлланилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда миллий бизнеснинг хориждаги фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг янги зарурий инфратузилмасини шакллантириш долзарб ҳисобланади.

ТМКлар миллий бозорлар орасида алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда, умумий бошқарув остида бутун дунё бўйича корхоналарни жойлаштириб, саноатни интернационаллаштириш жараёнларини вужудга келтиради. Улар турли давлатларда жойлашган корхоналарнинг технологик даврини бирлаштиради, фирма ичидаги меҳнат тақсимотини амалга оширади.

ТМКга кирган ҳар бир корхона келишилган сиёсат ва ягона умумий стратегия чегарасида фаолият юритади. Турли ТМКларда бир ёки ундан кўп қарор қабул қилувчи марказлар мавжуд. ТМК активлари умумий хусусий мулк билан боғлиқ. Ҳар бир ТМКдан бир-бирига боғлиқ корхоналар орасида ИТТКИ натижалари, ресурслар ва жавобгарликларнинг тақсимланиши келишиб олинган. ТМК фаолияти унумдорлиги 3та манбага асосланган:

1. Турли мамлакатларда табиий ресурсларга, йирик капиталга ва фан-техникада янгилик киритиш бўйича мутлақ кўпчилик патентларга эгалик

қилиш.

2. Бутун дунё бўйича табиий ресурслар, унумдор ерлар, қулай иқлим ва арзон ишчи кучининг қулай комбинацияси билан фирмаларнинг жойлашиш устунликларидан фойдаланиш.

3. Интернационал ишлаб чиқаришни ташкил этишда, халқаро маркетинг тамойилидан фойдаланиш билан бутун дунёда катта талабга эга янги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда халқаро менежмент тажрибасидан фойдаланиш.

Молиявий жиҳатдан ТМК турли мамлакатлардаги филиалларининг тармоғи билан миллий компанияларга нисбатан қулай ҳолатда, чунки:

- улар ўзининг халқаро капитал тизимига эга ва уларни энг кўп фойда келтирувчи мамлакатга кўчирадилар;

- шарқдан ғарбга йўналиши бўйича суткасига 24 соат жаҳон молия бозорларининг ҳолати ҳақида маълумотга эга. Масалан, куннинг сўнггида Нью-Йоркдаги бош компания электрон алоқа орқали жаҳон молия бозоридаги ҳолатни Гонконгдаги корхонасига юборади. Кейинги кун эрталаб бош компания Гонконгдан ўтган 12 соат учун бозордаги воқеалар ва вазиятнинг таҳлили ҳақида маълумот олади. Шундай қилиб, бир ТМК миқёсида тўхтовсиз тартибда ИТТКИнинг ишлаб туриши, дастурлаштириш ва бошқалар ташкил этилади;

- қабул қилувчи мамлакатларда валюта паритетининг тебраниши ва инвестиция иқлимини либераллаштириш даражасидан келиб чиққан ҳолда инвестиция қалтисликларини филиаллари орасида тақсимлайди. Шундай қилиб, қабул қилувчи мамлакатда валюта паритетининг пасайиши ТМКнинг бу мамлакатда кўчмас мулк сотиб олиши учун қулай шароитлар яратади. Хусусийлаштириш шароитларида либераллаштириш ҳам қабул қилаётган мамлакатга ТМК капиталларини жалб этади;

- хорижий филиаллари жойлашган мамлакатлардаги миллий ва халқаро молиявий институтлардан қарзга олинган маблағлардан нисбатан манфаатли шартларда фойдаланади.

ТМК хорижий филиалларининг миллий фирмалар олдидаги асосий рақобат устунликларидан бири бош компаниянинг изланиш маркази томонидан ўтказиладиган ИТТКИ натижаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Дунёдаги патент ва лицензиялардан фойдаланганлик учун тўловларнинг 70 %га яқини ТМК доирасида бош компаниялар ва уларнинг хорижий филиаллари орасида амалга оширилади. Бунда охириги йилларда ТМКлар ИТТКИ ўтказиш харажатларини камайтириш мақсадида ўз изланиш марказларини кўпроқ қабул қилаётган мамлакатларга кўчиришмоқда.

Агар аввал изланиш ишлари ва конструкторлик тадқиқотлари одатда, бош компания жойлашган мамлакатда амалга оширилган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, халқаро технологиялар айирбошлаш ҳажмининг кенгайиши билан ТМК изланиш марказлари илмий-тадқиқот ишлари ва конструкторлик тадқиқотларини минимал харажатлар билан ўтказиш учун ресурс ва илмий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларда ўрнатилмоқда.

ИТТКИ ўтказиш учун ТМКлар ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган, университетлар ва миллий тадқиқот марказлари фаолият кўрсатаётган, олимларнинг маоши унчалик катта бўлмаган ва коммуникация воситалари етарли даражада ривожланган қабул қилувчи мамлакатларни танлайди. Бундан ташқари, ТМК тадқиқот марказларининг жойлашиши учун жалб этувчи омил илмий муассасалар ва саноат корхоналари орасида алоқаларнинг яхши ўрнатилганлиги, қабул қилаётган мамлакатнинг ҳукумати томонидан миллий ИТТКИларнинг қўллаб-қувватланиши ва интеллектуал мулкни қўриқлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

90-йилларда нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам, ТМКлар тадқиқот марказларини жойлаштираётган илмий ва технологик парклар кенг тарқалди. Бундай паркларнинг муваффақиятли фаолияти учун у ерда олимларнинг ишлаши ва яшаши учун қулай шароитларга эга асосий илмий ва ўқув марказининг жойлашиши, шунингдек у ерда илмий изланишларни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлиши зарур.

ТМК корхонаси самарали фаолият юритишининг асосий манбаларидан бирига, ресурс ва бозорлар жойлашишининг қулай комбинациясини қўллаган ҳолда, бош компания уюштирадиган интернационал ишлаб чиқаришни киритиш лозим. Бу ҳолатда халқаро компаниянинг ишлаб чиқариш қуввати ТМКнинг умумий стратегиясига мувофиқ турли мамлакатларда жойлашади. Жаҳон бозори эҳтиёжларини қондириш учун халқаро компаниялар фирмалар ичидаги ва улар орасидаги ҳамкорлик алоқаларидан фойдаланади. Бунда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар хил шакллари биргаликда қўлланилади. Кўпинча, ташқи савдодан тўғри хорижий инвестициялар билан биргаликда фойдаланилади ва ТМК хорижий филиаллари маҳсулотларини олиб чиқиши ҳисобига экспорт амалга оширилади.

Интеграциялашган халқаро ишлаб чиқариш капитал, технологик жараёнлар, малакали ходимларнинг миграцияси ва савдо тармоғини давлат чегаралари орқали ягона тизимга бирлаштирувчи бош компания назорати остида хорижда маҳсулот чиқаришни ўзида ифода этади. Интеграциялашган халқаро ишлаб чиқаришнинг бошқарув қуроли (инструменти) миллий компанияларникига нисбатан паст ишлаб чиқариш харажатларига, нисбатан юқори бўлган сифат ва хилма-хил ассортиментга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи глобал менежмент ҳисобланади. Бунда савдо бозорларини кенгайтиришда ТМК корхоналарининг рақобатбардошлик устунлиги намоён бўлади.

Халқаро компанияларнинг иш тажрибаси ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг 3 хил тузилмаси мавжудлигини кўрсатади:

1. Горизонтал.
2. Вертикал.
3. Диверсификацияли.

Горизонтал интеграция сотиш бозори ҳажмини кўпайтириш, саноат қўламини кенгайтириш ва қувватлардан унумли фойдаланиш сингари устунликка эга. Бир қабул қилаётган мамлакатда маҳсулотга бўлган талаб қисқарганда халқаро компания бу маҳсулотга бўлган талаб сақланган ёки

кенгайган бошқа мамлакатдаги корхонасига ресурсларни ўтказди. Халқаро горизонтал интеграция даражаси тахминан ТМК филиалларининг бошқа ундан мустақил фирмаларга экспорт ҳажми сифатида аниқланиши мумкин.

ТМК миқёсида саноатнинг вертикал интеграцияси турли мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнини: бир мамлакатда хомашё қазиб олиш, бошқа мамлакатда унга ишлов бериш ва ярим тайёр маҳсулот ёки бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, учинчи мамлакатда тайёр маҳсулот йиғишни ягона технологик занжирга бирлашишини ифода этади.

Халқаро ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бундай тузилмаси етказиб берувчиларга қарамликни қисқартириш, асосий истеъмолчилар, шу жумладан хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар харидорларининг эҳтиёжларини қондиришга бутун эътиборни қаратиш, бутун технологик жараён учун умумий режа бўйича турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, бош компаниянинг истагига биноан алоҳида ишлаб чиқариш муомалаларида техник даражани ошириш имконини кўзда тутди.

ИТТКИдан ҳудудий ажратилиши вертикал интеграция бўйича халқаро ишлаб чиқаришда етказиб беришларни (таъминотни) ва логистика хизматини ташкил қилишга, яъни ишлаб чиқаришни дастлабки материаллар ва комплектловчи қисмлар билан таъминлаш тизимида алоқалар ва боғланишларни йўлга қўйиш ва такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришнинг ўзини оптималлаштириш ва тайёр маҳсулот сотиш тизимини рационаллаштиришга маълум жиҳатдан боғлаб қўяди. Ишлаб чиқаришнинг халқаро вертикал интеграция даражаси бир ТМК филиалларининг мана шу компаниянинг бошқа мамлакатлардаги филиалларига экспорти ҳажмини ҳисоблаш йўли билан аниқланиши мумкин.

Бундай маҳсулотни тайёрлаш тобора кўпроқ аутсорсинг муносабатлари билан бирга ривожланмоқда. «Fortune» журналининг маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатлардаги камида 90 % корхоналар ҳеч бўлмаганда

битта бизнес-жараённи амалга ошириш учун аутсорсингдан фойдаланади.⁷. ТМКлар томонидан аутсорсингнинг энг фаол қўлланиладиган асосий шаклларига ишлаб чиқариш аутсорсинги, яъни офшор шартномавий ишлаб чиқариш (OEM-original equipment manufactures), XXI аср бошида энг кўп ривожланган бизнес-жараёнлар аутсорсинги, ахборот технологиялари аутсорсинги («офшор дастурлаш»), шунингдек ИТТКИ аутсорсинги («билимлар аутсорсинги») киради.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш турли қабул қилувчи мамлакатларда турли-туман маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат. Маҳсулотни у ёки бу мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва шу товарни экспорт қилишдан кўра мақсадга мувофиқлиги, қабул қилувчи мамлакатда бу маҳсулот учун импорт божи миқдори билан аниқланади. Юқори импорт божи ва ўсаётган талаб вазиятида халқаро компания шу маҳсулот экспорти ўрнига уни импорт қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Бундан ташқари бир турдаги маҳсулотни шу мамлакатда, бошқа турдагисини бошқа мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш халқаро компанияга ўзини бошқа мамлакатларда бошқа маҳсулот мустаҳкам талабга эгаллиги ва янги бозорда ўрнашиш бўйича муваффақиятсизлиги ҳолатида, компания ўз йўқотишларини турли мамлакатлардаги бошқа товарларни чиқариш ва сотишни ошириш ҳисобига қоплаши мумкинлиги билан суғурталаган ҳолда янги бозорларга кириш имконини беради.

1-боб бўйича хулоса

Сўнгги юз йил давомида халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги ахборот-технология тузилмаси вужудга келди ва шаклланди. Унинг негизини жаҳон ахборот ва технологиялар бозори ташкил этади.

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг объектлари - бу моддий (қурилмалар) ва номоддий (турли кўринишдаги ахборотлар, ишлаб чиқариш

⁷ <http://www.Plub.ru/Defoutsourcing.html>. Дастурий маҳсулотлар лабораторияси.

тажрибалари ва билимлар) кўринишидаги интеллектуал фаолият натижаларидир. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорида давлат тузилмалари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар-мутахассислар қатнашади. Маълумотлар ва технологиялар жаҳон бозори жуда тез ривожланмоқда. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ахборот ва технологиялар тармоғи АҚШ ЯИМининг салкам 75 фоизини таъминлаган.

Ахборот-технологиялар айирбошлашни асосий каналлари:

- давлатлараро;
- фирмалараро;
- фирма ичидаги.

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорида халқаро айирбошлашнинг кенгайишига таъсир этувчи муҳим омил сифатида трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолиятини келтириш мумкин. Йирик ТМКлар рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш жараёнига технологиялар билан ёриб кириш учун ўзларининг илмий-тадқиқот марказларини яратишмоқда. Ўрта ва кичик компанияларга келсак, улар зарар кўрмаслик учун йирик компаниялардан ахборот ва технологиялар сотиб олишга мажбурдирлар. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг ривожланишига ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш жараёни ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

2-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлили

Сўнгги йиллардаги тенденцияларнинг кўрсатишича, замонавий мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳақиқий ўрнини биринчи навбатда илмсиғимли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юқоритехнологик тармоқларнинг ривожланиши белгилаб беради.

Илмсиғимли бозорларнинг асоси ўз ичига электроника ва ҳисоблаш саноати, дастурий таъминот, телекоммуникации, роботсозлик, газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ахборот хизматларини олади. Ҳозирги кунда наноэлектроника, ген инженерияси, мультимедиа интерактив ахборот тизимлари, юқори ҳароратли ўта ўтказувчанлик, космик техника, нозик кимё ва бошқаларнинг саноат ўзлаштирилиши амалга оширилмоқда. Жаҳон технологиялар бозорининг узлуксиз кенгайиши ва технологиялар янгилашнинг юқори тезлиги жаҳон бозорида сотилаётган технологик маҳсулотлар қийматининг товарлар ва хизматлар бозорига нисбатан юқорилигини таъминлайдики, бу янги технологияларнинг юқори даромадлилиги ва ишлаб чиқариш жараёнидаги белилаб берувчи ролигп асосланади.

Жаҳон илмсиғимли тармоқлар маҳсулоти бозорининг умумий ҳажми тахминан йилига 2,5-3 трлн. долл. деб баҳоланади. Юқори технологик товарлар сирасига кирадиган маҳсулотлар қийматида ИТТКИ улуши 3,5%дан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 3,5-8,5%га тенг бўлса, мазкур товарлар «юқори сифатли техника», 8,5%дан юқори бўлса, бу «энг юқори сифатли техника» деб ҳисобланади.⁸

Энг юқори илмсиғимли салоҳиятга эга технологик новациялар,

⁸ Аханов С.А., Нурланова Н.К., Альжанова Ф.Г. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии оценки и пути повышения. -- Алматы: Экономика, 2009 г. С.34.

иқтисодий ривожланишдаги кўламли ўзгаришлар асосига айланади. Шу билан бирга бу ўзгаришлар янги авлод маҳсулотига қондирилмаган талаб таъсири остида жаҳон бозорининг тезкор ривожи билан ривожланади. Миллий ЯИМ тузилмасида кенгайиб бораётган юқори технологик маҳсулотлар улуши жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожланиш динамикасини тобора фаолроқ белгилаб беришни бошламоқда. Юқори технологиялардан фойдаланишнинг жаҳон иқтисодиётининг базавий тармоқларига тўғри келувчи сотувлар ҳажми ўртасидаги ўзаро нисбатни қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал. Жаҳон юқори технологиялар бозори

Тармоқ	Энг йирик компаниялар сотувлари ҳажми, млрд долл.	Юқори технологиялардан фойдаланиш даражаси
Автомобиль ишлаб чиқариш	1780,24	юқори
Телекоммуникациялар	853,35	жуда юқори
Компьютер ускуналари	639,2	жуда юқори
Тиббиёт	609,75	жуда юқори
Бизнес-ускуналар	468,79	юқори
Фармацевтика	412,37	жуда юқори
Кимё саноати	408,24	юқори
Асосий асбоб-ускуналар	401,93	юқори
Косметика саноати	316,27	юқори
Авиакосмик ва муҳофаа саноати	273,95	жуда юқори
Дастурий таъминот	166,75	жуда юқори
Яримўтказгичлар	153,31	жуда юқори

Манба: Артемьев И.Е. Рынки технологии в мировом хозяйстве. - М.: Наука, 2009.

Мутахассислар башоратида юқори технологиялар бозорининг етуқлик даражасига кўра табақалаштирилган бир нечта мамлакатлар гуруҳи ажратилади. Биринчи гуруҳни технологик лидерлар ташкил этади, улар орасида АҚШ, Япония, Германия, Франция ажралиб туради. Ушбу мамлакатлар учун қуйидагилар хос:

- ЯИМда ИТТКИга юқори харажатлар улуши (камида 2,5%);
- Хорижда ишлатилаётган технологиялардан рента даромадларининг юқори даражаси, бу уларнинг технологиялар экспортига ихтисослашганлигини акс эттиради;

- Юқори технологик маҳсулотлар экспортидан даромадларнинг ўртача (ИТТКИга харажатларга номутаносиб бўлган) даражаси.

“Иккинчи” эшелоннинг етакчи мамлакатлари (ЕИнинг кўпчилик эски аъзо мамлакатлари) учун қуйидагилар хос:

- мутлақ лидерларга нисбатан ЯИМда ИТТКИга харажатларнинг паст улуши (ЯИМнинг 1,5-2%);

- хорижда ишлатилаётган технологиялардан рента даромадлари ва Юқори технологик маҳсулотлар экспортидан даромадлар даражаси ИТТКИга харажатларга мос келади (мутлақ лидерларга нисбатан бирмунча пастроқ).

Учинчи гуруҳ мамлакатлари – юқори технологик маҳсулотнинг “теримчилари” (Ирландия, Малайзия, Мексика ва бошқалар)га Юқори технологик маҳсулотлар экспортидан даромадларнинг юқори даражаси хосдир (ЯИМдаги улуши бўйича бошқа мамлакатлар гуруҳига нисбатан анча юқори). Ушбу мамлакатларнинг ИТТКИга ўз харажатлари анча ўртача деб баҳоланади. Хорижда ишлатилаётган технологиялардан олинган даромадлар анча кам.

Ривожланаётган мамлакатларнинг тўртинчи гуруҳи, шунингдек ЕИнинг “кичик” мамлакатлари (Хитой, Бразилия, Португалия ва бошқалар) учун ИТТКИга харажатларнинг паст даражаси (ЯИМнинг 0,5дан 1 %гача, кам ҳолларда 1,5 %) ва хорижда ишлатилаётган технологиялардан ва Юқори технологик маҳсулотлар экспортидан олинган даромадларнинг паст даражаси характерлидир.⁹

Жаҳон технологиялар майдонида исталган мамлакатнинг улуши иккита кўрсаткичлар тўплами билан аниқланади: илмсиғимлилиги (кириш параметрлари) ва илмқайтимлилиги (самарадорлик ва рақобатбардошлик). 2-

⁹ Мировая экономика: прогноз до 2020 года / Под ред. акад. А.А. Дынкина / ИМЭМО РАН. -- М.: Магистр, 2009.

жадвалда юқори ривожланган мамлакатларнинг Миллий иқтисодиётларининг илмсиғимлилиги ва илмқайтимлилиги тўғрисидаги кўрсаткичлар берилган.

2-жадвал. Миллий иқтисодиётларнинг илмсиғимлилиги ва илмқайтимлилиги

Мамлакат	ЯИМ, млрд. дол.	Битта банд киши ЯИМ, минг дол.	Тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатларнинг ЯИМдаги улуши, %	Рақобатбардошликнинг жорий индекси	Юқори технологик (hi-tech) маҳсулотнинг товар экспортидаги улуши, %	Жаҳон ахборот ускуналари экспортдаги улуши, %
АҚШ	9875	73,1	2,64	2	28,2	16,3
Хитой	5135	7,2	1,00	47	16,7	4,6
Япония	3425	56,0	3,04	15	26,3	11,5
Ҳиндистон	-	4,9	-	36	3,2	-
Германия	-	56	2,44	4	15,3	4,8
Франция	-	56,2	2,17	12	19,4	3,4
Буюкбритания	-	54,5	1,87	7	26,2	5,3
Италия	1410	56,5	1,04	24	7,9	1,1
Россия	1185	18,0	1,01	58	3,1	0,2
Канада	-	60	-	11	-	2,2

Манба: Мировая экономика: прогноз до 2020 года /Под ред. акад. А.А. Дынкина /ИМЭМО РАН. - М.: Магистр, 2009.

2-жадвалда илмсиғимлиликини тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатларнинг ЯИМдаги улуши, илмқайтимлиликини юқори технологик (hi-tech) маҳсулотнинг товар экспортидаги улуши аниқлайди.

Саноати ривожланган мамлакатларда яратилаётган технологиялар – меҳнат ва ресурссиғимли, лекин капиталтежамлидир; ривожланаётган мамлакатларнинг технологиялари - меҳнаттежамли, лекин ресурс ва капиталсиғимлидир. Яъни жаҳон технологиялар савдоси амалда уларни у ёки бу мамлакатда қўллашни мослаштириш имкониятлари ривожланиши билан чекланган.

Жаҳон технологиялар бозори ўзининг амал қилиш жараёнида махсус

норматив-ҳуқуқий асосларга таянади: (Халқаро технологиялар узатиш соҳасидаги хулқ кодекси), шунингдек халқаро тартибга солиш органлари (Умумжаҳон савдо ташкилотининг интеллектуал мулкка эғалик ҳуқуқлари аспектлари бўйича келишуви (ТРИПС), БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича Конференциясининг (ЮНКТАД) технологиялар узатиш бўйича қўмитаси, Умумжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС), Экспортни назорат қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи қўмита (КОКОМ), Технологиялар хавфсизлиги бўйича мутахассислар кенгаши (СТЭМ).

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник айирбошлашнинг юқори суръатлари шунга олиб келдики, сўнгги ўн йилликларда халқаро савдо ўзига хос алоҳида товар – илмий-техник ютуқларни айирбошлаш билан характерланмоқда, яъни технологияларнинг фаол халқаро айирбошланиши амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда яратилаётган технологияларнинг умумий қиймати жами ижтимоий ялпи маҳсулот ҳажмининг 60 %ни ташкил этиб, сотувларнинг йирик миқдорини аниқлайди. Технологияларни сотиб олар экан, фирмалар, нисбатан қисқа муддатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон сифат даражаси ва юқори рақобатбардошлигига эришадилар, янги сотиш бозорларига эга бўладилар ва экспорт ҳажмини кўпайтирадилар.

Бугун айнан билимларни ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ўсишининг асосий манбаси бўлиб хизмат қилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, АҚШнинг илмий-тадқиқот ишларига ички харажатлари йилига 243,6 млрд. долларни, ёки ЯИМнинг 2,6% дан ортиғини ташкил этади. Японияда бу харажатлар 94,7 млрд. долларни, ёки ЯИМнинг 3% дан ортиғини, Германияда мос равишда 47,6 млрд.долларни, ёки тахминан 2,5%ни, Буюк британияда – 25,4 млрд.долларни, ёки 1,9%ни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда халқаро интеллектуал мулк бозори умумжаҳон бозорининг ўзига хос ривожланиш хусусиятларига ва тенденцияларига эга бўлган мустақил секторига айланган. Биринчидан, интеллектуал маҳсулотлар

ва хизматлар халқаро бозорларда тобора кўпроқ аҳамиятли ўринларни эгалламоқда. Иккинчидан, мутахассислар баҳоларига кўра жаҳон интеллектуал маҳсулотлар ва хизматлар бозори ҳозирги кунда анъанавий товарлар бозорига нисбатан 5 марта тезроқ ўсиб бормоқда. Бундан ташқари замонавий хусусиятлардан бири маҳсулотлар ва хизматларнинг илмсиғимлилигининг ўзи ҳам ўсиб бормоқда. ИТТ энг аввало намоён бўлувчи космик тадқиқотлар, муҳофаа каби соҳалардан ташқари, истеъмол товарлари (автомобиллар, аудио-, видео- ва маиший техника, электроника ва бошқалар) ҳам тобора кўпроқ илмсиғимли бўлиб бормоқда. Замонавий шароитларда патент фаолиятининг жадал ўсиши кузатилиб, бу билимларга асосланган иқтисодиётда ихтироларнинг аҳамиятини акс эттиради. Ушбу жараёнда ривожланган мамлакатлар асосий ўринни эгаллаб, бош новаторлар сирасига киради (3-жадвал).

3-жадвал. 2010 йилда бош новатор мамлакатлар

Мамлакат	1 млн. киши ҳисобига патентлар сони	Ўрин
АҚШ	351,48	1
Япония	323,4	2
Тайвань (Хитой)	291,38	3
Швеция	240,34	4
Швейцария	239,44	5
Исроил	215,08	6
Финляндия	205,58	7
Германия	187,52	8
Канада	159,62	9
Сингапур	147,62	10
Голландия	136,94	11
Люксембург	136,38	12
Дания	130,38	13
Корея Республикаси	129,87	14
Бельгия	120,10	15
Франция	117,59	16
Австрия	115,43	17
Буюк британия	114,29	18
Норвегия	103,78	19
Исландия	95,94	20
Австралия	94,00	21
Янги Зеландия	86,84	22

Ирландия	83,85	23
Гонконг (Хитой)	83,29	24
Италия	80,49	25

Манба: www.rao.ru

2008 йилда Европа, Япония ва АҚШда 900 мингтадан ортиқ патент талабномалари берилган (1992 йилда 600 мингтани ташкил қилган). 2000-йилларда патентларнинг ўсиши деярли барча технологик тармоқларда, энг юқори даражада биотехнологиялар, ахборот ва коммуникацион технологиялар (АКТ) соҳаларида кузатилади. ИХРТ мамлакатларида барча патентларнинг ўртача 53% АКТга тўғри келади, бунда айрим мамлакатларда ушбу кўрсаткич анча юқори, масалан Финляндияда (57%), Исроилда (50%), Корея Республикасида (49%), Голландияда (46%). Мухим илмий-техник соҳа бўлиб космосни ўзлаштириш ҳисобланади. Ушбу соҳадаги патентларнинг катта қисми ИХРТ мамлакатларига тўғри келади. Космик тадқиқотлар билан боғлиқ патентлар сони бўйича АҚШ етакчилик қилади – унинг ҳиссасига патентларнинг 48%га яқини тўғри келади. Европа мамлакатлари орасида бу соҳадаги етакчи ўринларни Франция ва Германия эгаллайди.

2.2. Замонавий жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг фаолияти таҳлили

Жаҳон технологиялар бозори бутун жаҳон иқтисодиётининг интеллектуализациясига кўмаклашади. Бу ерда асосий субъектлар сифатида ТМКлар иштирок этади, уларда бош ва шўъба компаниялар ИТТКИ натижаларидан биргаликда фойдаланадилар. Натижада, жаҳон технологиялар бозори миллий технологиялар бозорига нисбатан яхшироқ ривожланган. Жаҳон технологиялар савдосининг 2/3 қисмига яқини ТМКнинг ички фирма савдосига тўғри келади. Саноати ривожланган мамлакатлар лицензия тушумларининг 60%дан ортиғи корпорация ички тушумлари ҳиссасига тўғри келади (АҚШда - 80%).

Энг йирик ТМКлар тадқиқотларни ўз қўли остида тўплайди, бу эса жаҳон технологиялар бозорининг монополлашишига олиб келмоқда

(монополистик назорат даражаси 89-90%ни ташкил қилади);

Жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг мустақил фирмалар ва мамлакатларга нисбатан стратегияси технологияларнинг ҳаётийлик цикли билан аниқланади:

1-босқич – янги технология асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни сотиш;

2-босқич – технологик айирбошлаш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклида амалга оширилади;

3-босқич - соф лицензиялаштириш. Яъни, энг янги технологиялар асосан ТМК жойлашган мамлакатда қўлланилади, уларнинг эскириб бориши давомида филиалларга узатилади ва хорижга лицензиялар кўринишида сотилади.

Турли мамлакатлар гуруҳлари ўртасидаги технологик тафовут жаҳон технологиялар бозорининг кўпдаражали тузилмасини келтириб чиқаради:

- юқори технологиялар (уникал, илғор) саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида айирбошланади;

- саноати ривожланган мамлакатларнинг паст (маънавий эскирган) ва ўртача (анъанавий) технологиялари ривожланаётган ёки собиқ социалистик мамлакатлар учун янги ҳисобаланди.

XX асрнинг охиригى ўттиз йиллиги электроника, радиофизика, оптоэлектроника ва лазер техникаси, замонавий материалшунослик, кимё, микробиология, замонавий авиация ва космонавтикани яратиш соҳасида бир қатор фундаментал, технологик ва амалий кашфиётларнинг очилиши билан тавсифланади. Ахборот технологияларнинг жадал ривожланиши, микро- ва наноэлектроника соҳасидаги улкан ютуқлар энг янги технологияларга асосланган маҳсулотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Сўнгги йилларда давлатларнинг иқтисодий тараққиёти кўп даражада инновациялар ҳисобига амалга оширилмоқда.

XXI аср бошида илмий-техник тараққиёт қатор янги белгиларга эга бўлмоқда. Фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги соҳасида

бошқа сифат белгилари туғилмоқда. Шулардан бири – илмий кашфиётларни амалга ошириш муддатининг кескин қисқариши: 1885 йилдан 1919 йилгача янгиликларни ўзлаштиришнинг ўртача даври 37 йилни ташкил этган бўлса, 1920-1944 йилларда – 24 йилни, 1945-1964 йилларда – 14 йилни, XX асрнинг 90-йилларида эса энг истиқболли кашфиётлар йўналишида (электроника, атом энергетикаси, лазерлар) - 3-4 йилни ташкил этади. Илмий билимлар ва ишлаб чиқаришни техник такомиллаштиришнинг амалдаги рақобатлашиши вужудга келди. Ишлаб чиқаришни замонавий, лекин “бугунги” техника асосида эмас, балки янги илмий ғоялар асосида ривожлантириш иқтисодий жihatдан самаралироқ бўлмоқда. Натижада фаннинг ишлаб чиқариш билан ўзаро муносабатлари ўзгарди: илгари техника ва ишлаб чиқариш асосан эмпирик тажрибани тўплаш йўли билан ривожланган бўлса, эндиликда илм-фан асосида илмсиғимли технологиялар кўринишида ривожланмоқда. Уларда пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш усули ўз ичига энг янги технологиялардан фойдаланувчи кўпсонли ёрдамчи ишлаб чиқаришларни олади.

Охирги ўн йилликда уч гуруҳ технологиялари: юқори технологиялар (нано-, био- ва экотехнологиялар), ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва янги бизнес-технологиялар жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига энг кўп таъсир ўтказди. Бунда АКТни ривожлантириш нанотехнологиялар ривожини билан чамбарчас боғлиқ, бизнес-технологиялар, ўз навбатида АКТ даражасига боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётнинг кейинги ривожини тавсифловчи етакчи йўналишлардаги ишланмаларга катта эътибор қаратилмоқда.

Нанотехнологиялар деярли исталган тармоқда қўлланилиши мумкинлиги сабабли жаҳон иқтисодиёти тараққиётига кучли таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Нанотехнологиялар бозори тараққиётининг дастлабки башоратлари 2000-йилларнинг бошида 2015 йилгача давргача башоратларни ўз ичига олган ҳолда тайёрланган эди. Уларнинг энг машхури АҚШ Миллий илмий жамғармаси томонидан 2001 йилда чоп этилган бўлиб,

у жаҳон нанотехнологик маҳсулотлар бозори ҳажмини 2015 йилга келиб 1 трлн.долл.ни ташкил этишини баҳолаган.¹⁰

Илмсиғимли технологиялар бир-биридан ажралган, алоҳида оқимлар эмас. Кўп ҳолларда улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Лекин улардан комплекс фойдаланиш учун энг янги жараёнларни, тамойилларни, ғояларни қўллаш бўйича янги соҳаларни очиб берувчи фундаментал ишланмалар зарур. Шунингдек биргина илмий-техник ғоянинг бошқа тармоқларга кириб бориши, бошқа тармоқлар учун янги усуллар ва маҳсулотларнинг мослашуви, янги бозор соҳаларининг шакллантирилиши ҳам жуда муҳим. Истиқболли янгиликни қўллаш усулини ўтказиб юбормаслик учун кўпгина йўналишлар бўйича фаол илмий изланишлар олиб бориш зарур. Йўналишни нотўғри танлаш хавфи жуда катта. Сўнгги 15-20 йилда ривожланган мамлакатларнинг компаниялари инновацион фаолиятни ташкил этиш борасида катта тажриба тўплади. Илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда халқаро муносабатларнинг турли янги шакллари (технологик кооперация, мамлакатлараро технологик трансферт, ҳудудий илмий-саноат мажмуалари) вужудга келди.

Ҳозирги вақтда юқори технологик бизнесда, бутун иқтисодиёт тизимидагидек каби учта энг йирик марказ – АҚШ, Япония, Ғарбий Европа вужудга келдики, асосий рақобат кураши улар ўртасида амалга оширилмоқда. АҚШ бугунги кунда асосан қуйидаги соҳаларда етакчилик қилмоқда: компьютер ускуналарини (75%) ва дастурий воситалар (65%) етказиб бериш бўйича.

Япония ролини кучайишини ҳам таъкидлаш зарур. Ҳозирги кунда шимолий америка бозорида идора ускуналарини ишлаб чиқарувчи япон компанияларининг улуши: нусха кўчирувчи аппаратура соҳасида - 40%дан ортиқ, калькуляторлар ва факсимил ускуналар борасида - 100% га яқин.

Европа мамлакатларининг сўнгги вақтларда янги технологиялар соҳасида бирмунча орқада қолиши кузатилади. Ахборот технологиялари

¹⁰ Коротаев А.В. Новые технологии и сценарии будущего, или Сингулярность уже рядом? //История и синергетика. Методология исследования. 2-е изд. - М.: Издательство ЛКИ/URSS, 2009. С.183-191.

соҳасида ихтисослашган Европа компаниялари, бир нечта жаҳон даражасидаги ишлаб чиқарувчилардан ташқари жаҳон ахборот технологиялари бозорида рақобатлашиш қобилиятини йўқотган деб баҳоланади. Бу ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасида аниқланган. Ички бозорда ахборот технологиялари маҳсулотларини етказиб беришнинг умумий ҳажмида европа компанияларининг улуши атиги 30-40 %ни ташкил этади. Энг йирик 100 та хусусий компаниялар ва фирмалар ичида фақат 19 таси европа компанияларидир. Лекин европа мамлакатларининг ҳукуматлари ахборот технологиялари соҳасидаги ўз саноатини қайта яратишга кўмаклашади. Ахборот технологиялари соҳасидаги ИТТКИ нафақат алоҳида ҳукуматларнинг, балки ЕИ раҳбарияти эътиборини тортмоқдаки, ушбу технологияларни ривожлантириш борасида кўмаклашиш бўйича бир нечта дастурлар ишлаб чиқди. Бунга ESPRIT дастури (Европа Ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотлар стратегик дастури) мисол бўла олади.

Жаҳон АТ бозори тенденцияларини таҳлил қилар эканмиз, ўсиш асосан Осиё мамлакатларига тўғри келади. Бу Европа мамлакатларида ва АҚШда ахборот технологиялари бозорининг тўйиниб бўлганлиги, Осиё мамлакатларида эса иқтисодиётни ривожлантириш учун тобора кўпроқ даражада ахборот-технологик ресурсларнинг талаб этилиши билан боғлиқ. Истеъмол бўйича етакчи бўлиб Хитой ҳисобланади, унинг улуши - 43%ни ташкил қилади, Жанубий Корея - 16%, Ҳиндистон - 9% улушга эга.

Жаҳон компьютер техникаси бозори тадқиқотлари кўрсатишича, 2000-йилларда асосий компьютер техникаси етказиб берувчи компаниялар қуйидагилардан иборат: Dell - 18,3%, HP - 15,7%, IBM - 6,5%, Fujitsu Siemens - 3,8%, Acer - 3,2%.

Илмий-техник инқилобнинг ҳозирги босқичида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларда кичик бизнеснинг роли жиддий ортди. Бу ИТИнинг кичик ва ўрта юқори технологик фирмаларга уларнинг ҳажмига мос замонавий техникани (микропроцессорлар, микро ЭХМ, микрокомпьютерлар)

берганлиги билан боғлиқки, улар юқори техник даражада ишлаб чиқариш ва ишланмаларни амалга ошириш имконини беради ва нисбатан кам харажатларни талаб қилади.

Кичик таваккалчи венчур корхоналар илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни янги технологиялар ва маҳсулотларга айлантириш билан шуғулланади. Бундай корхоналарнинг ташаббускорлари кўпинча камсонли шахслардан иборат гуруҳлардан, яъни истиқболли ғояни ишлаб чиқиш билан шуғулланиш ва бунда эркин иш шароитларида меҳнат қилиш истагига эга истеъдодли муҳандислар, ихтирочилар, олимлар, менежер-новаторлардан иборат бўлади. Қатъий дастурлар ва марказлашган режаларга бўйсундирилган йирик фирмаларда бундай шарт-шароитлар мавжуд эмас.

Бундай тадбиркорлар керакли капитални йирик корпорациялар, хусусий фондлар ва давлатдан олади ва ушбу маблағлардан илмий мақсадларда эркин фойдалана олади. Тадқиқотларнинг натижалари номаълум бўлганлиги сабабли, бундай корхона учун жиддий таваккалчилик мавжуд (шу сабабли уни молиялаштирувчи капитал таваккалчилик капитали дейилади).

Таваккалчилик бизнесига барқарорсизлик хосдир. Уларнинг касодга учраши жуда юқори ҳисобланади. 1960-йилларда АҚШда ташкил этилган 250 та таваккалчи фирмаларнинг учдан бир қисми ўз фаолиятини сақлаб қолди, 32% йирик корпорациялар томонидан қўшиб олинди, 37% касодга учради. Ва фақат айримларигина "Xerox", "Intel", "Apple Computer" каби йирик юқори технологиялар етказиб берувчи компанияларга айланди. Бироқ “яшаб кетган” фирмаларнинг фойдаси ниҳоятда катталиги ушбу амалиётнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беради.

Gartner аналитик компания яқин йилларда жаҳон ахборот технологиялари бозори ривожланиши бўйича ўз башоратларини эълон қилди. Ушбу натижаларда уяли аппаратлар, персонал компьютерлар, ўйин қурилмалари, тармоқ сервислари учун қурилмалар, дастурий ишланмалар ва медиа ускуналариға харажатлар ҳисобга олинган. Мутахассислар фикрича, 2012 йилда АТ тармоғи ҳажми 2,1 триллион долларга етади, бу эса ўтган

йилга нисбатан 114 миллиард долларга кўп. Кейинги йилларда ўсиш суръати янада ортиб боради ва йилига ўртача 130 миллиардни ташкил этади. Шу сабабли 2016 йил охирига келиб харажатлар ҳажми 2,7 триллион долларга этади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг янада кенгайиши ва чуқурлашуви муқаррар илмий-техник ҳамкорликка етаклайди, чунки илмий-техник инқилоб шароитида алоҳида фирмалар тобора кўпроқ фан ва техниканинг муайян соҳаларида ихтисослашиб бормоқда. Шунга боғлиқ равишда илмий-техник ишланмалар натижаларини халқаро айирбошлашни ривожлантириш ҳозирги куннинг зарурати ҳисобланади.

Фақат жуда йирик компанияларгина ИТТКИга йирик харажатларни сафарбар этишга қодир. Масалан, АҚШ ТМКларининг умумий сотувлар ҳажмида ИТТКИга харажатлар товар айланмасининг 3-5 %ини ташкил этади (IBM – 6%, Боинг – 5%, Ксерокс – 4%, Дженерал Моторс – 3%). Саноати ривожланган мамлакатларнинг автомобилсозлик концернлари ҳам ИТТКИга ўз айланмасининг 3–5%ни йўналтиради (Volkswagen – 5%, BMW – 4,8%, Ford – 4,7%, Toyota – 4,2%).

Интеллектуал мулк объектлари (ИМО) юқори даромадлилик билан ажралиб туради. Масалан, Texas Instruments америка компанияси 1990-йиллар ўрталарига келиб унинг интеллектуал мулкдан фойдаланётган компанияларни таъқиб қила бошлади. Тақдим этилган даъволарни тартибга солиш фирмага катта даромад олишга имкон берди. Унинг ҳар йиллик тушумлари 256 млн. долларни ташкил қилади; компаниянинг 1991-1998 йилларда интеллектуал мулкдан фойдаланишдан олинган умумий даромади 2 млрд. долларни ташкил қилади. 90-йилларда халқаро ҳамжамият эътибори Nestle ва Jacobs-Shard компаниялари ўртасида машхур Kit Kat (1935 йилдан бери ишлаб чиқариладиган маҳсулот) товар белгисига эга бўлган Rowntree британия компаниясини харид қилиш борасида келиб чиққан курашга қаратилди. Натижада Rowntree тахминан 2,5 млрд. фунтга сотилди, бу унинг бошланғич баҳосидан 2,5 баробар ва моддий активларнинг баланс баҳосидан

8 марта ортиқдир.

Жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиш суръатлари 2,5-3 %дан ортмаётган пайтда саноат мулки ва технологиялардан фойдаланиш учун лицензиялар жаҳон савдоси йилига 12 % ўсиш суръатларига эгаллиги айнан ИМОнинг юқори даромадлилиги билан тушунтирилади. Россиялик мутахассисларнинг фикрича, ИМОнинг ўртача даромадлилиги моддий активларнинг ўртача даромадлилигидан 2,4 марта юқоридир.

ИМОнинг юқори даромадлилиги уларнинг иккитомонлама тавсифга эгаллигига асосланади. Бир томондан, корхона ресурс салоҳиятининг бир қисми сифатида ИМОдан ишлаб чиқаришда фойдаланиш рақобатбардош юқори технологик маҳсулотни ишлаб чиқаришга кўмаклашади, иккинчи томондан, ИМО мустақил олди-сотди предмети (яъни товар) бўлиб хизмат қилиши ва юқори даромад келтириши мумкин. Бунда агар оддий маҳсулот пулга фақат бир марта айирбошланиши ва бошқа мулкдорга ўтиши мумкин, ва демак унинг аввалги эгасига такроран даромад келтира олмайди. Мавҳум шаклда ифодаланувчи (ҳуқуқлар кўринишида) ИМО-товар эса, кўп марта айирбошланиши мумкин ва ҳар бир битимда ИМО-товарнинг эгаси пул мукофотига эга бўлади.

Тарихан лицензион савдонинг, яъни илмий-техник фаолият натижалари савдосининг биринчи объекти бўлиб, ихтиролар ва саноат дизайнига бериладиган патентлар иштирок этган.

Умуман олганда патент – бу унинг эгасининг муайян муддат давомида янги товарлар ва ишлаб чиқариш усуллари, шунингдек бошқа ихтироларни тайёрлаш, уларни ишлатиш ва сотишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир. Агар янги технология ёки янги товарни яратишга сарфланаётган куч-ҳаракатлар ва маблағлар муттасил ортиб бораётганлиги ҳисобга олинса, бундай шароитларда патент имтиёзи инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қилади. Масалан, 70-йиллар ўрталарида янги дори воситасини ишлаб чиқишга ўртача 54 млн. доллар сарфлаш зарур бўлган бўлса, 80-йиллар ўрталарида – 87 млн., 90-

йиллар ўрталарида – 125 млн. доллар сарфлаш зарур бўлди.

Айни вақтда инновацияларнинг патент муҳофазасида давлатнинг манфаатлари ҳам, улар орқали бутун жамиятнинг манфаатлари ҳам ҳисобга олинади. Биринчидан, патентлаштирилган ихтиродан фойдаланиш имтиёзи муайян муддатгагина тақдим этилади, ушбу муддат тугагандан сўнг ихтиро жамият бойлигига айланади ва ундан истаган инсон фойдаланиши мумкин. Иккинчидан, патентни тақдим этиш тартиби шундайки, инноватор албатта ўз ихтироси мазмунини очиқ бериш шарти билан имтиёзга эга бўлади, бу эса жамиятда янги билимларни тарқалишини рағбатлантиради. Ихтироларнинг патент ҳимоясининг барча бундай белгилари унинг бутун жамият манфаатлари ва инноваторларнинг хусусий манфаатларини мутаносиблаштириш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкинлигидан далолат беради. Патент эгаси одатда, унинг ихтиросини тайёрлаётган, ишлатаётган ва сотаётган барча шахсларга нисбатан суд даъволарини тақдим этиш; ўз ихтиросидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни сотиш, патентнинг ўзини сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳуқуқлар унинг хусусий мулкнинг барча белгиларига эгалигини билдиради.

Давлат патентини бериш одатда ихтирочи томонидан анча катта маблағ тўловини назарда тутаяди. Масалан, АҚШда патент бериш учун давлат йиғими 450-900 долларни ташкил қилади.

Патент олиш – узоқ давом этувчи ва қиммат турувчи жараён. Патентлаштириш патент тизимининг миллий характерга эгалиги туфали бир вақтнинг ўзида кўпчилик мамлакатларда амалга оширилиши керак. Фақатгина ихтирони қаерда патентлаштириш мумкинлигини аниқлашга кўп вақт керак бўлади. Патент ҳимоясининг етарли бўлмаган даражадаги самарадорлиги ушбу ҳимояни осонлик билан четлаб ўтиш мумкинлигига асосланади. Бу ҳимоялаб бўлинган ихтиролар тавсифининг чоп этилишини назарда тутувчи патент ҳужжатларидаги умумий маълумотлар туфайли содир бўлмоқда. Шу сабабли йирик корпорациялар кўпинча ихтирони бирданига бир неча мамлакатда бир нечта патент тизимлари бўйича патентлаштиришни

афзал кўрадилар (4-жадвал).

**4-жадвал. 2000-2010 йилларда энг йирик ТМКлар бўйича
патентлаштиришнинг таққослама таҳлили**

Компания	Патентлар сони			
	АҚШда	Европада	Хитойда	Россияда
Siemens	4181	4565	1404	185
Motorola	7036	721	1220	93
Mitsui	1059	940	439	43
Bayer	2637	1836	799	62
Procter&Gamble	2276	940	1247	62
Daimler-Benz	1241	430	29	46
General Electric	4538	1231	563	26
Mitsubishi	8459	2888	1511	17
Johnson&Johnson	466	167	108	24
Hitachi	7015	1820	1292	17
Volvo	194	125	13	7
IBM	11466	2317	719	42
Sony	6393	2226	1856	20
General Motors	1715	379	20	1
Coca-Cola	206	53	15	6

Манба: www.rao.ru

Халқаро амалиётда илмий-техник фаолият ҳуқуқлари ва натижаларини узатишнинг кўпгина шакллари мавжуд бўлиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: лицензия шартномасига асосланган ношартномавий ва шартномавий. Биринчи турга корпоратив шакллар киради, улар ўз ичига компанияни харид қилиш ёки сотиш, қўшма корхонани тузиш, очик акциялар сотувини олади. Бундай шакллар учун технологиялар мажмуасига ва мос равишда уларга эгалик ҳуқуқининг муайян тўпламига эга бўлиш характерлидир. Шартномавий усулда ихтиродан, саноат намунасидан, савдо белгисидан ёки ноу-хаудан фойдаланиш истагига эга бўлганлар патент эгасидан маълум ҳақ эвазига лицензия олишлари зарур.

Лицензия – бу патент эгаси (лицензиар) томонидан бошқа шахсга ёки фирмага (лицензиатга) муайян муддат давомида маълум ҳақ эвазига патент ҳимояси остида бўлган ихтиродан саноат ёки тижорат мақсадида

фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномадир.

Лицензион савдо амалиётида лицензияларнинг иккита таснифи мавжуд:

- ҳуқуқий таъминотга кўра (патентли, патентсиз, ноу-хау);
- бериладиган ҳуқуқлар ҳажмига кўра (номутлақ (оддий), мутлақ (тўлиқ)).

Таъкидлаш зарурки, лицензиялаш самарали патент ҳимояси таъминланиши мумкин бўлган тармоқларда (фармацевтика, саноат органик кимёвий воситалар, пластик материаллар, синтетик толалар) инновацион фаолият байналмиллашувининг бошқа шакллариغا қараганда афзалроқ.

Лицензион келишувнинг муҳим моменти бўлиб лицензион мукофотлар шаклини қайд этилиши ҳисобланадики, уларни ҳисоблаш усулига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- миқдори лицензиядан фойдаланишнинг ҳақиқий иқтисодий натижаси асосида ҳисобланадиган мукофотлар;

- миқдори лицензиядан фойдаланишнинг ҳақиқий иқтисодий натижаси билан бевосита боғланмаган мукофотлар, уларнинг миқдори лицензиядан фойдаланиш асосида кутилаётган иқтисодий самара ва фойдадан келиб чиқиб олдиндан шартномада белгиланади.

Биринчи гуруҳга даврий фоизли (3-5%) ажратмалар ва лицензиат фойдасида иштирок этиш, комиссиялар каби шакллар киради; иккинчи гуруҳга – дастлабки нақд тўловлар, паушал тўлови, лицензиатнинг қимматли қўғозларини ўтказиш, қарши техник ҳужжатларни ўтказиш киради.

2.3. Жаҳон иқтисодиётида халқаро технологик стратегик альянсларнинг тутган ўрни

Стратегик альянслар сонининг ўсиши ва шаклларининг турли-туманлиги замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг табиий хусусиятларидан биридир. ИХРТ маълумотларига кўра, 1990-2006 йилларда 150 мингга яқин стратегик альянслар ташкил этилиб, уларнинг 60 % ортиғи – халқаро стратегик альянслардир. Стратегик альянслар шаклидаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда ва 2004-2005 йилларда альянслар доирасида товарлар ва

хизматлар умумжаҳон айланмаси 40 трлн. АҚШ долл.га етди.¹¹ 1990 йилдан 2007 йилгача стратегик альянслар сонининг умумий - 3,3 мингдан тахминан 15 мингтагача ўсиши кузатилади. ЕИ фирмалари жаҳондаги барча барқарор стратегик альянслар умумий сонининг 35-40 % да иштирок этади (5-жадвал).

5-жадвал. Рўйхатга олинган стратегик альянсларнинг тахминий сони (йилига бирлик)

Йил	Жаҳон	ЕИ	АҚШ	Осиё
1990	3300	825-891	1122	1254
1995	9120	2280-2462	3101	3466
2000	10100	2525-2727	3434	3838
2005	11842	2961-3197	4026	4500
2006	12353	3088-3335	4200	4694

Манба: World Investment Report 2009. New York and Geneva: United Nations. - 2009. - P.3-5.

Жаҳон иқтисодиётида стратегик альянсларни ташқи бозорларга тўғри хорижий инвестициялар шаклида инвестицион кириб бориш усулларида бири сифатида ахборот ва коммуникацион технологиялар, фармацевтика, автомобилсозлик каби ўрта ва юқори технологик тармоқларнинг ТМКлари энг кўп даражада қўллайди. Бунда келишувлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Қайд этилган тармоқларда стратегик альянслар кооперацион ўзаро алоқаларнинг мураккаблиги билан тавсифланади ва фақат биргина ҳамкорлик тури билан чекланмайди. Қўшма корхоналар шаклида ташкил этилган технологик стратегик альянслар ТХИ оқимида энг кўп таъсир кўрсатади (6-жадвал).

Технологик стратегик альянслар ишлаб чиқариш кооперацияси ва илмий-техник ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Уларнинг сони 1990-2007 йилларда 394 тадан 739 тага етди.¹² Технологик стратегик альянслар ва ИТТКИда альянслар сони ўсишининг асосий омилларига ниҳоятда юқори харажатлар ва ИТТКИ натижаларидаги ноаниқлик, ўзаро тўлдирувчи технологияларга эга компанияларнинг яқинлашувида илғор технологияларни тез ўтказиш зарурияти, янги

¹¹ Ноздрева Р. Б. Международный маркетинг - М.: Экономистъ. - 2005. - с. 601.

¹² National Science Board// Science & Engineering Indicators. 2008. - Appendix table 4-37. - URL: <http://www.nsf.gov/nsb>.

бозорларнинг ёки алоҳида бозор бўшлиқларининг стратегик тадқиқотлари, замонавий шароитларда инновацион даврнинг умумий қисқариши киради.

6-жадвал. ТХИнинг оқими, устав капиталида иштирок этиш учун инвестициялар ва стратегик альянслар сони ўртасидаги нисбат

Йил	Жаҳонда ТХИнинг оқими (млрд. АҚШ долл.)	устав капиталида иштирок этиш учун инвестициялар (млрд. АҚШ долл.)	Жаҳон бўйича технологик СА сон
2000	1270,8	717,2	483
2001	735	404,3	607
2002	651	418,5	527
2003	560	372,8	695
2004	710,07	443,7	671
2005	916	499,2	
2006	1306	715,7	726
2007	1979	1080	739
2008	1697	1028	-

World Investment Report 2009. - New York and Geneva: United Nations. - 2009. - P. 5, 6.

7-жадвал. Европа Иттифоқи саноатида технологик альянслар

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Жами жаҳонда	483	607	527	695	671	685	762	739
ЕИ	232	284	277	287	320	336	396	366
компаниялари иштирокида, шу жумладан:								
АКТ	79	68	62	76	70	70	69	69
Фармацевтика /биотехнология	91	171	177	178	197	217	280	254
Янги	7	12	9	6	7	6	5	3
материаллар								
Космос/мудофаа	5	17	13	11	9	7	6	4
Кимё саноати	30	10	4	8	15	13	12	11
Автомобиль саноати	28	12	12	18	22	23	24	25

Манба: National Science Board// Science & Engineering Indicators. 2008. - Appendix table 4-37. - URL: <http://www.nsf.gov/nsb>.

Стратегик альянсларни шакллантириш тармоғидан қатъий назар асосий

муаммолар бўлиб альянслар тармоғини шакллантиришда рақобат характерининг ўзгариши ва стратегик альянсларни бошқаришда турли ишбилармонлик маданиятининг мавжудлиги ҳисобланади.

Замонавий юқори рақобатли ташқи муҳитда альянс тармоқлари аста-секин рақобат устунликларининг, шунингдек етакчи ТМКларнинг жаҳон бозоридаги етакчилик мавқеларини эгаллаш ва ушлаб туришнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Оддий стратегик альянсни тузишда фирма-шериклар ишлаб чиқариш кўлами иқтисодига эришадилар. Альянслар тармоғини яратишда фаолият кўлами самарасига эришиладики, бу кўптармоқли ТМКларга бир-бирини тўлдирувчи билимлар ва компетенциялар тизимларидан фойдаланиш ҳисобига ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига тез мослашиш имкониятини беради. Fortune Global 500 рўйхатидаги ҳар бир етакчи ТМК ўртача 3-5 та альянслар тармоғида иштирок этади. Энг кўп альянслар тармоқлари АКТ соҳасида, шунингдек фармацевтика ва биотехнология тармоқларида ташкил этилган (8-жадвал).

Европа Иттифоқининг автомобиль, фармацевтика ва биотехнология тармоқларида, АКТ секторида стратегик альянслар ва альянслар тармоқлари ривожланишининг асосий йўналишлари ва истикболларини кўриб чиқамиз.

Ривожланиш омили сифатида стратегик альянсларнинг аҳамияти тармоқда кооперацион алоқалар ва технологияларнинг ривожланиш даражасига қараб ўсиб боради. Альянслар юқори предметли ихтисослашув даражасига эга ўртатеχνологик тармоқларда (автомобилсозлик, кимё тармоғида) ва юқори технологик тармоқларда (АКТ, фармацевтика, биотехнологиялар, авиасозлик) энг кўп аҳамият касб этади.¹³

Автомобилсозликда альянслар қатъий шаклларда тузилади ва мураккаб, комплекс характерга эга. Шериклик ТМКлар капиталда ўзаро иштирок этиш механизмини кенг қўллайдилар. Автомобиль саноатида, ИХРТ маълумотларига кўра, 1998-2006 йилларда 3 мингга яқин стратегик альянслар ташкил этилган. Автомобиль саноатидаги стратегик альянсларнинг

¹³ Васильев А. С. Альянсы европейских ТНК в фармацевтической промышленности: статья// Проблемы экономики. - 2010. - № 1 (35).

тахминан 75 % - ишлаб чиқариш қўшма корхоналар. Стратегик альянсларни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари: бозорларни глобал камраб олишга эришиш, биргаликда автомобиль платформаларини ишлаб чиқиш, эҳтиёт қисмлар ва деталларни унификация қилиш, қўшма ИТТКИларни ўтказиш, қўшма харидларни амалга ошириш, сотув тармоғидан биргаликда фойдаланиш.

8-жадвал. Йирик ЕИ ТМКларининг юқори технологик тармоқлардаги стратегик альянслари

Номи	Фаолият соҳаси	2008 йилда ИТТКИга инвестициялар (млн. евро)	Тармоқларни ҳисобга олган ҳолда СА (2000-08 йй.)	Энг йирик альянслар
Nokia	АКТ	5 321	1500	Nokia Siemens Networks, Siemens-РЖД
Royal Philips Electronics	АКТ	1 613	1000	AOL-Philips; Philips-Checkpoint Systems; Philips-Visa; Philips-Epic; Nokia-Philips-Sony; STMicroelectronics-Philips
L. M. Ericsson	АКТ	2 975	700	SonyEricsson (телекоммуникацион ускуналар); ST-Ericsson (симсиз тизимлар учун платформа ва стандартларни ишлаб чиқиш)
Siemens AG	АКТ	3 836	650	Nokia Siemens Networks; Siemens-Bosch-PolilC-Evonil Ind.- Elantas Beck-BASF (RFID-технологиялар)
GSK	Фармацевтика/биотехнологиялар	3 836	130	GSK-Genmab (2 млрд. АҚШ долл. – ЕИда ИТТКИ бўйича фармацевтика ва биотехнология компанияси ўртасида энг йирик СА); GSK-EPIX; GSK-ChemoCentryx
AstraZeneca	Фармацевтика/биотехнологиялар	3 622	80	AstraZeneca-Bristol Mayers Squibb (кичик молекулалар асосида онкологик препаратлар ИТТКИ)

Манба: http://iri.jrc.ec.europa.eu/research/docs/2009/vol_2_1_1.pdf.

Ҳозирги инқироз шароитида янги имкониятлар очилиши мумкин бўлган тармоқларда альянсларнинг шаклланиши тезлашиши мумкин. Давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг амалга оширилиши бу жараённинг самарадорлигини янада ошириш мумкин.

2-боб бўйича хулоса

Замонавий мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳақиқий ўрнини биринчи навбатда илмсиғимли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юкоритехнологик тармоқларнинг ривожланиши белгилаб беради.

Жаҳон илмсиғимли тармоқлар маҳсулоти бозорининг умумий ҳажми тахминан йилига 2,5-3 трлн. долл. деб баҳоланади. Юқори технологик товарлар сирасига кирадиган маҳсулотлар қийматида ИТТКИ улуши 3,5%дан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 3,5-8,5%га тенг бўлса, мазкур товарлар «юқори сифатли техника», 8,5%дан юқори бўлса, бу «энг юқори сифатли техника» деб ҳисобланади.

Энг юқори илмсиғимли салоҳиятга эга технологик новациялар, иқтисодий ривожланишдаги қўламли ўзгаришлар асосига айланади. Шу билан бирга бу ўзгаришлар янги авлод маҳсулотига қондирилмаган талаб таъсири остида жаҳон бозорининг тезкор ривожи билан ривожланади. Миллий ЯИМ тузилмасида кенгайиб бораётган юқори технологик маҳсулотлар улуши жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожланиш динамикасини тобора фаолроқ белгилаб беришни бошламоқда.

Жаҳон технологиялар бозорида асосий субъектлар сифатида ТМКлар иштирок этади, уларда бош ва шўъба компаниялар ИТТКИ натижаларидан биргаликда фойдаланадилар. Натижада, жаҳон технологиялар бозори миллий технологиялар бозорига нисбатан яхшироқ ривожланган. Жаҳон технологиялар савдосининг 2/3 қисмига яқини ТМКнинг ички фирма савдосига тўғри келади. Саноати ривожланган мамлакатлар лицензия тушумларининг 60%дан ортиғи корпорация ички тушумлари ҳиссасига тўғри келади (АҚШда - 80%).

Энг йирик ТМКлар тадқиқотларни ўз қўли остида тўплайди, бу эса жаҳон технологиялар бозорининг монополлашишига олиб келмоқда

(монополистик назорат даражаси 89-90%ни ташкил қилади);

Жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг мустақил фирмалар ва мамлакатларга нисбатан стратегияси технологияларнинг ҳаётийлик цикли билан аниқланади.

Охирги ўн йилликда уч гуруҳ технологиялари: юқори технологиялар (нано-, био- ва экотехнологиялар), ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва янги бизнес-технологиялар жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига энг кўп таъсир ўтказди.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўзбекистоннинг миллий технологик ривожланишида хорижий тажрибанинг аҳамияти

Ҳозирги кунда мамлакатларнинг қудрати унинг иқтисодий ҳамда илмий-техник кўрсаткичларига асосланиб белгиланади. Иқтисодий ривожланишда технологик таркиб улушининг ортиб бориши жаҳон бозорида миллий ва минтақавий рақобатбардошликнинг ошишининг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Кўпчилик давлатларда хусусий сектор технологик ривожланишнинг ҳамда технологиялар алмашилишнинг асосий манбаси ва иштирокчиси ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат ҳам инновацион фаолиятни рағбатлантиришда ва мувофиқлаштириш чоралари ва мониторингда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳукумат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар молиявий имтиёзлар ва инновацион корхоналарни субсидиялашни бевосита ўз ичига олади. Ҳозирги кунда ушбу соҳада динамик ривожланиб келаётган минтақалардан Осиё-Тинч Океани минтақасида миллий инновацион тизимлар қуйидагича классификацияланиши мумкин:

- “кўчиб келган” ОТО мамлакатлари (АҚШ, Австралия, Янги Зеландия);
- Япония ва янги индустриал давлатлар ЯИД (Корея Республикаси, Тайвань, Сингапур, Гонконг);
- АСЕАН (Тайланд, Малайзия, Индонезия, Филиппин);
- Хитой Халқ Республикаси (ХХР).

Биринчи гуруҳ мамлакатлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлиб, Европа билан барқарор ҳамкорлиги билан характерланади. Аммо, бу гуруҳ мамлакатлари ва Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида интеграцион жараёнлар жадаллашиб бормоқда, бу ўз навбатида, савдо, илмий-техник ва ишлаб чиқариш алоқаларининг кенгайтирилиши ҳамда мустақамланишида намоён бўлади. Бу гуруҳ мамлакатларида АҚШни бир неча сабабларга кўра

алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, иқтисодийнинг кенг миқёслилиги ва илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) соҳасига энг катта пул ажратмалари; иккинчидан Ҳарбий-Саноат Комплексининг катталиги, таълим тизимининг ривожланганлиги ва яшаш даражасининг юқорилиги технологик мураккаб маҳсулотлар турини ишлаб чиқиш заруриятини ва шароитини келтириб чиқаришидир. Америка саноати тадқиқот ва лойиҳалаштириш-конструктив базаси ҳар доим ҳам муваффақиятга эришмасада, АҚШнинг олий таълим тизими (ИТТКИ) соҳасининг ва инновацион фаолиятнинг асосий базаси ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлари орасида Япония етакчи ўринни эгаллайди. АҚШдан фарқли равишда Японияда (ИТТКИ) университет тадқиқотлари асосида эмас, балки саноат корхоналарида ривожлантирилади, бу эса унинг амалий жиҳатини белгилаб беради.

ЯИД янги технологияларни ўзлаштириш ва қўллашда етарлича ютуқларга эришди. Давлатнинг рағбатлантирувчи чора тадбирлари, умумий иқтисодий шароит, хусусан инфляциянинг паст даражалари, реал валюта алмаштириш курси ва жуда кичик бюджет дефицити бу жараёни жадаллаштирди, бир қатор соҳаларга қаратилган селектив саноат сиёсати эса (автомобилсозлик, электроника ва х.к.) кейинги саноатлаштиришга туртки бўлди. Аммо, бу мамлакатларда ўтказилган саноат сиёсатининг самараси етарлича бўлмаган, чунки бир қатор соҳалар давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қарамай жаҳон бозорида рақобатбардошлик даражаси жуда паст.

Корея Республикаси жаҳон ҳўжалигида ўртача технологик ривожланган экспортга асосан урғу бериб, импортда протекционизмни қўллаб-қувватловчи мамлакат ҳисобланади. Ҳукумат томонидан қўлланилган “Янги иқтисодий сиёсат” дастури асосида, юқори технологик соҳаларда, эркин иқтисодий ҳудудларда ва индустриал паркларда хорижий инвесторларга бир қатор имтиёзлар яратиб берилган.

Корея Республикасида, инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболли

тўртта йўналишларидан бири, бу қўшма тадқиқот ишларини олиб бориш ва замонавий технологик лойиҳаларда қатнашиш ҳисобланади, бу эса ўз навбатида мамлакат ҳукуматини хорижда олиб борилаётган инвестицион фаолиятни кенгайтиришда қизиқиши юқори эканлигини намоён этади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг паст бўлишига қарамай, ХХР анча ривожланган технологик инфратузилмага, айниқса ҳарбий-саноат комплексида, ҳамда минтақанинг худди шундай ривожланиш даражасига эга мамлакатларига унчалик ҳос бўлмаган янги технологияларга тез мослашиш қобилиятига эгадир.

90-йилларда ХХР иқтисодиётини модернизация қилишнинг иккинчи босқичи амалга оширилган, бунда нафақат икки томонлама инвестициялар оқимлари (ХХР дан ва ХХР га), балки технологик алоқаларнинг кенгайтирилиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Хитой инвестициялари деярли дунёнинг 135та мамлакатлари орасида тарқатилган, аммо бу инвестицияларнинг асосий қисми фақатгина бир нечта мамлакатларда мужассамлаштирилган. Канада, АҚШ ва Австралия улушига Хитой инвестицияларининг 58% тўғри келади.

Мамлакатда технологик ривожланиш ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришда муҳим воситалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мулкчиликнинг интеллектуал ҳуқуқларининг тўла амалга оширилиши;
- корхоналарнинг ташкил қилиниши босқичида, айниқса инновацион корхоналар учун, солиқ ҳамда молиявий рағбатлар;
- амалий ва фундаментал таъдқиқотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланилиши;
- таъминотчилар ва субконтрактчилар тармоғини шакллантириш асоси сифатида, саноат ассоциацияларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш;
- хусусий корхоналар фаолияти доирасда ишлаб чиқариш кўникмалари ва тажрибасини, ҳамда мутахассислик билимларини ва квалификацияни ошириш учун давлат дастурларини шакллантириш;
- техник прогрессни таъминловчи таълим.

Жамиятнинг техник прогресси аниқ тузилган таълим тизими ва ИТТКИсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Мисол учун Японияда илмий-тадқиқот институтлари, университетлар, минтақавий илмий-таъдқиқот марказлари орасида ҳамкорлик ИТТКИ соҳасидаги ютуқларнинг, айниқса кичик ва ўрта бизнесда асосий сабаларидан бири бўлган. Япония тажрибасини қўллаб, миллий ўзаро ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш мумкин.

Мамлакатда технологик ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида хусусий секторни тан олиниши, давлатнинг илмий салоҳиятини бозор талаблари томонига йўналтиришга янада эътибор қаратилиши, техник ривожланиш учун қулай иқтисодий муҳит яратилиши мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Глобал бозор рақобати ва ИТТКИга тобора ўсиб бораётган харажатлар шароитида халқаро стратегик технологик альянслар амалиёти кенг қўлланилмоқдаки, улар турли мамлакатлар корхоналари ўртасида илмий-технологик кооперацияни ташкил этиш шакли ҳисобланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш технологик альянси 90-йилларнинг ўрталарида миллий автомобил саноатини вужудга келтиришда энг йирик жаҳон ТМКлари - аввал Жанубий Кореянинг “ДЭУ”, сўнгра АҚШнинг “Дженерал Моторс” компанияси билан тузилган. Бу келгусида илмий-техник ҳамкорлик йирик илмий лойиҳаларни амалга оширишнинг ягона усули бўлиб қолиши мумкин, чунки улар жуда катта маблағларни талаб қилади ва ривожланаётган мамлакатларда миллий инновацион тизимларни шакллантириш хусусиятларидан келиб чиқади.

Жаҳон хўжалик юритиш амалиёти ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни мунтазам ошириб бориш, иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан янгилашда инновацияларни асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини исботлади. Шунга кўра, жаҳоннинг барча мамлакатларида инновация фаолияти иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида барқарорликни таъминлаш

асоси бўлиб хизмат қилади, унинг негизида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, моддий-техника базасини замонавий технологиялар кўламида янгилаш, ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилиш имкониятлари яратилади. Фақат шу йўналиш асосидагина ишлаб чиқариш харажатлари камайиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ҳолати кузатилади. Шу боис, асосий эътиборни инновация фаолиятини тартибга солишни такомиллаштиришга, унинг турли босқичлардаги ривожланиш даражасига, техника ва технологиялардаги ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлигига қаратиши лозим.

Капитал киритмаларни молиялаштиришнинг умумий ҳажмида бюджет маблағлари улушининг камлиги, шунингдек, бундай лойиҳаларни хусусий сектор томонидан амалга ошириш учун купроқ маблағлар ажратиш имкониятлари чекланганлиги шароитида венчурли молиялаштириш айниқса катта аҳамият касб этади.

Венчур фондлари бозор иқтисодиёти мамлакатларида инновацион тадбиркорлик соҳасида кенг тарқалган бўлиб, Ўзбекистон учун молиявий инфратузилмадаги янгиликдир. “Венчур” сўзи инглизча “venture” сўзидан олинган бўлиб, “қалтис иш” маъносини билдиради.

Инновация фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда венчурли молиялаштириш Жамғармасини ташкил этиш ва бунда қуйидаги масалалар алоҳида эътиборга олиниши лозим:

- замонавий ускуналар ва технологиялар яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, янги инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишнинг йиллик ва ўрта муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

- маҳаллий илмий-ишланмалар яратиш ва уларни жорий этиш бўйича аввалдан буюртмалар бериш тизимини ташкил этиш;

- хом ашёни бирламчи қайта ишлайдиган оддий ишлаб чиқариш тизимини юксак технологик ишлаб чиқариш занжирига ўтказиш амалиётини жорий этиш;

– машинасозлик ва металлга ишлов бериш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик тармоқлари ва қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида янги маҳсулот турларини кўпайтириш.

– «фан-ишлаб чиқариш-истеъмолчи» занжирининг иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши;

– технологик инфратузилма – технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технологиялар трансфери марказларини ташкил этиш;

– янги техника ва технологияларни яратувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар ўртасидаги воситачилик – инновацион технологиялар биржаларини барпо этиш.

Инновация фаолиятини тартибга солишда корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш, маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқиши ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишда молиялашнинг лизинг шаклини кенг тарғиб қилиш лозим. Лизинг ҳозирги вақтда машиналар ва асбоб-ускуналар харид қилишнинг мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан тўлиқ тан олинган ва синовдан ўтказилган усули ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солувчи чора-тадбирлар бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса натижада инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг миллий тизимини шакллантиришга асос бўлади. Ҳозирги кунда фақат давлат томонидан узоқ ва қисқа муддатли дастурлар тайёрлаб ҳамда уларни зарурий инвестиция ҳажми билан таъминлаб, Ўзбекистоннинг мавжуд илмий-техник салоҳиятини сақлаб қолиш мумкин. Давлат ушбу соҳага оид ўз сиёсатининг мақсад ва тамойилларини шакллантириши зарур бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг илмий ва инновацион сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: мамлакат иқтисодиёти ривожига фан ва техника

улушини ошириш; моддий ишлаб-чиқариш соҳасини прогрессив ривожланишини таъминлаш; жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш; мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш; экологик муҳитни яхшилаш; мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

3.2. Ўзбекистоннинг жаҳон технологиялар бозорида иштирок этиш тенденциялари

Ўзбекистон, халқаро технологиялар бозорига фаол кириб борар экан, айтилиши вақтда ўз ички бозорини шакллантирмоқда. Интеллектуал мулк объектлари (ИМО) бўйича шартномаларни рўйхатга олиш жараёни барқарор ижобий динамикага эга (9-жадвал). Ҳуқуқларни ўтказиш бўйича энг юқори фаоллик товар белгилари бозорида кузатилади.

9-жадвал. ИМО бўйича рўйхатга олинган шартномаларнинг тақсимланиши

Кўрсаткич	2006	2007	2008	2009	2010
Ихтиролар	18	6	16	21	24
Фойдали модель	1	3	-	2	5
Саноат намуналари	8	4	5	3	7
Товар белгилари	87	74	72	86	102
ЭХМ ва Маълумотлар базалари учун дастурлар	-	2	2	3	2
Жами	114	89	95	115	140

Манба: Основные направления и итоги деятельности. Годовой отчет, 2010. Ташкент: Государственное патентное ведомство РУз, 2011.

Асосан хорижий компаниялар ва фирмалар интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни харид қилишда ва ўтказишда энг кўп фаоллик кўрсатмоқдалар (мос равишда 66-68%) (10-жадвал). Жисмоний шахслар ўз ҳуқуқларини, уларни қабул қилишга қараганда 2,5 марта кўпроқ узатадилар.

**10-жадвал. 2006-2010 йилларда рўйхатдан ўтган шартномалар
иштирокчиларининг фаоллиги**

Хўжалик субъектлари тури	Шартномалар сони									
	Узатувчи томон					Қабул қилувчи томон				
	2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010
Илмий-тадқиқот, лойиҳа ташкилотлари ва ўқув муассасалари	1	-	1	4	3	1	3	-	1	8
Корхоналар, фирмалар	34	18	19	35	30	47	22	28	44	69
Хорижий фирмалар, компаниялар	59	57	65	60	87	61	61	63	55	59
Жисмоний шахслар	20	14	10	16	31	5	3	4	15	15
Жами	114	89	95	115	151	114	89	95	115	151

Манба: Основные направления и итоги деятельности. Годовой отчет, 2010. Ташкент: Государственное патентное ведомство РУз, 2011.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг берилган патентлар сони билан ифодаланадиган ихтирочилик қобилияти ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Жаҳоннинг энг йирик иқтисодиётлари (ЯИМ бўйича) АҚШ, Хитой ва Япония шунингдек патентлар олиш учун топширилган талабномалар миқдори бўйича ҳам етакчилик қилади (11-жадвал).

**11-жадвал. Патентлар олиш учун топширилган талабномалар
миқдори**

Мамлакатлар	2005	2006	2007	2008	2009
Япония	367960	347060	333498	330110	295315
АҚШ	207867	221784	241347	231588	224912
Хитой	93485	122318	153060	194579	229096
Германия	48367	48012	47853	49240	47859
Россия	23644	27884	27505	27710	25598
Буюк британия	17833	17484	17375	16523	15985
Франция	14327	14529	14722	14743	14295
Украина	3538	3474	3440	2825	2434
Финляндия	1830	1816	1804	1799	1806
Ўзбекистон	264	323	324	262	238
Қозоғистон	1523	1433	-	11	-

Манба: Всемирный банк (<http://data.worldbank.org/indicator/IP.PAT.RESD/countries>)

Шу сабабли, мамлакат миқёсида берилаётган патентлар сони (миллион киши аҳоли ҳисобига) тўғрисидаги маълумотлар мамлакатнинг илмий-

техник ва ихтирочилик салоҳиятининг ва миллий ИТТКИ соҳасининг натижавийлигининг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг Патент бошқармасининг маълумотларига кўра, 2004-2009 йилларда патент олиш учун топширилган талабномалар миқдори ўртача 280та аризани ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон биринчи 40 та мамлакатлар қаторига киради.¹⁴ Миллион киши аҳоли ҳисобига олинганда мамлакатимиз пастроқ натижага эга, миллион киши аҳоли ҳисобига 12 та патент талабномалари кўрсаткичи билан жаҳон мамлакатлари ичида 49-ўринни эгаллайди (2007 йил), ачинарлиси бу кўрсаткич камайиш тенденциясига эга (12-жадвал).


**12-жадвал. Миллион киши аҳоли ҳисобига патент талабномалар
миқдори бўйича мамлакатлар рейтинги**

Мамлакатлар	1995	1999	2003	2007
Корея	2	2	2	1
Республикаси				
Япония	1	1	1	2
АҚШ	4	4	3	3
Германия	3	3	4	4
Финляндия	7	5	6	6
Буюк	9	8	7	10
британия				
Россия	19	17	16	18
Хитой	55	49	35	25
Сингапур	42	25	19	21
Малайзия	57	54	50	41
Ўзбекистон	40	43	40	49
Қозоғистон	30	26	23	85

Манба: WIPO Statistics Database and World Bank (World Development Indicators), June 2009

Патент фаоллигининг бундай паст кўрсаткичи маълум даражада мамлакат аҳоли таркибида ёш авлоднинг катта солиштирма оғирлиги билан боғлиқ. Шунга қарамай, аҳоли жон бошига патент фаоллигининг паст даражаси мамлакатнинг орқада қолаётган технологик ва инновацион ривожланишидан далолат беради (1-расм).


¹⁴ <http://data.worldbank.org>



1-расм. 1995-2009 йилларда Ўзбекистонда ҳар миллион киши ҳисобига патент олиш учун аризалар миқдори¹⁵

Патент статистикасидан ташқари, интеллектуал мулк объектларига нисбатан бошқа кўп ишлатиладиган кўрсаткич бўлиб товар белгиларини рўйхатга олиш кўрсаткичи ҳисобланади. У ёки бу мамлакатда рўйхатга олинган товар белгилари миқдори кўрсаткичи бўйича маълумотлар корхоналарнинг инновацион фаолиятини, уларнинг ўз тавсифларига кўра янги, антиқа товарлар ва хизматларни жорий этиш ва яхшилаш бўйича ҳатти-харакатларини билвосита кўрсатиши мумкин (2-расм)

¹⁵ Источник: WIPO Statistics Database, January 2011 – данные по количеству заявлений на получение патента Госкомстат – данные по численности населения.



2-расм. Ўзбекистонда ҳар миллион киши ҳисобига товар белгисини рўйхатга олиш учун талабномалар миқдори¹⁶

Расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда сўнгги ўн йиллик давомида ҳар миллион киши ҳисобига миллий аризачиларнинг рўйхатга олинган янги товар белгиларининг йиллик миқдорининг икки баробар, 2000 йилдаги 26,8 дан 2009 йилда 51,47 гача ўсиши кузатилади. Бу, маълум даражада, товар белгисидан миллий ишлаб чиқарувчилар товарларининг ноёб сифатларини индивидуаллаштириш воситаси сифатида фойдаланиш жадаллиги ўсишини, ва мос равишда миллий корхоналарнинг инновацион фаоллиги ўсишини кўрсатади.

Кўпчилик мамлакатлар ўз олдига билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Бундай ўтиш самарали илмий-техник тараққиётни таъминлашни, мавжуд (молиявий ва моддий) ресурсларни илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият учун қулай шароитларни яратиш томонга қайта тақсимлашни аниқлайди.

¹⁶ www.patent.uz

Рақобат курашида иқтисодий ўсиш ва муваффақиятнинг бош манбаси бўлиб, интеллектуал мулк объектлари ва уларга асосланган инновациялар хизмат қилади. Бу ўз навбатида, тадқиқотлар ва ишланмалар натижалари ҳимоясини таъминловчи ва кейинги илмий-техник тараққиётни рағбатлантирувчи интеллектуал мулк тизимининг ролини оширади. Мамлакатнинг жаҳон лицензиялар бозорига кириш тенденцияларини ҳисобга олиб ва янгиликларни жорий этиш, илмий-техник маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда муваффақиятларга эришган ҳамда жаҳон технологиялар бозорида етакчи мавқеларни эгаллаб турган юқори ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, Ўзбекистон мавжуд интеллектуал салоҳиятга ва илмий-техник ресурсларга асосланган ўз тараққиёт стратегиясини танлаб олиши керак.

Интеллектуал фаолият натижалари иккита йирик йўналишга бўлинади:

- **саноат интеллектуал мулк**, бунга патентлар, саноат дизайни, савдо маркалари ва белгилари, тижорат сирлари киради;

- **фан ва адабиёт, санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқи**;

Биз ўз тадқиқотимизда саноат интеллектуал мулки бозорига кўпроқ эътибор қаратдик, чунки охириги йилларда номоддий активлар бозорининг айнан шу соҳаси энг кўп харидоргир бўлиб, жаҳон бозорининг бошқа секторларига нисбатан энг юқори қўшимча ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Ўзбекистонда ушбу бозорларнинг номоддий активларини капиталга айлантириш учун муайян шарт-шароитлар, аҳолининг (энг аввало ишбилармонлик доираларининг) юқори ҳуқуқий маданияти, шунингдек аҳолининг ижодий ва яратувчанлик фаоллигини рағбатлантириш имконини берувчи илмий-техник фаолиятни мукофотлашнинг маълум норматив ва молиявий механизми шакллантирилиши зарур.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон бой табиий ресурсларга сиғимли ички бозорга, ва муҳими, тез ўсувчи меҳнатга лаёқатли аҳоли ва ноёб илмий-техник салоҳиятга эга бўлиб, улар учун нафақат илғор хорижий технологияларни ўзлаштиришда, балки ўз янгиликларини ишлаб

чиқиш ва қўллашда ҳам қийинчиликлар мавжуд эмас. Бунинг учун бизга ўзимизда мавжуд бўлган ва бизга таклиф қилинаётган имкониятларни малакали баҳолаш талаб қилинади. Агар бугунги кунда Ўзбекистонда интеллектуал мулк масалаларининг ҳуқуқий томони кўп жиҳатдан ҳал қилинган бўлса, ушбу масаланинг иқтисодий таркибий қисмлари ҳам жаҳон тажрибасини, ҳам уни бизнинг тизим хусусиятларига мослаштиришни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Инновацион инфратузилма объектларини (инновацион-технологик марказлар, технопарклар ва х.к.), инновацион фаолият соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар тармоғини янада ривожлантиришга, илмий-техник соҳада кичик инновацион корхоналарни, махсус интеллектуал мулк ва илмий-техник хизматлар биржаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга эътибор қаратишимиз лозим.¹⁷

Афсуски, мавжуд юқори салоҳиятга қарамай, Ўзбекистонда илмий-техник ижодкорлик натижаларини пулга айлантириш иқтисодий ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча суст кечмоқда.

Илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг халқаро тажрибаси кўрсатишича, ҳозирги вақтда илмсиғимли маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари, фирмалари ва корпорациялари учун энг камёб “хомашё” бўлиб қимматли тижорат ғоялари саналади. Улар антиқа ёки ноёб маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тижорат сотувлари ҳуқуқини берувчи патентлар, гувоҳномалар, лицензиялар, шунингдек ноу-хау ва уларни ўтказиш шартномалари кўринишида расмийлаштирилади.

Хорижий мамлакатларда (ҳам саноати ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда) патент тизимини такомиллаштириш ва интеллектуал мулк иқтисодиётининг бир қисми сифатида ривожлантириш тажрибаси бизнинг мамлакатимиз учун жуда қимматли ҳисобланади. Патент тизимини халқаро меъёрларга мослаштириш, шунингдек интеллектуал мулк объектларини мослаштирилган халқаро техник баҳолаш усуллари жорий этиш миллий

¹⁷ Четвертый элемент//Экономическое обозрение. №2(89), 2007.


ихтирочиларга ва инноваторларга фойдалидир, чунки ҳеч нарса пухта ўйланган ва амал қилаётган патент тизими сингари инновацион фаолликни моддий рағбатлантиришга кучли кўмаклашмайди. Бу мамлакатга капитал, тажриба, илғор техника ва технология етишмовчилигини қоплай олувчи чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг зарурий шартидир. Ва ниҳоят, бу мамлакатимизнинг халқаро савдо тизимида кўшилишининг зарурий шarti ҳисобланади, чунки интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш муаммолари асосий масала бўлиб, мамлакатимизнинг кўпгина халқаро ташкилотларга ва айниқса УСТга аъзо бўлишининг асосий шarti ҳисобланади.

3.3. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари

Республикаимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини бермоқда. Қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодийнинг мутаносиблиги таъминланди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.¹⁸

¹⁸ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.



3-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда¹⁹

Миллий иқтисодиёт самарадорлигининг асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг инновация салоҳияти ҳам ташкил этади. Булардан оқилона фойдаланиш макроиқтисодий барқарорлик, реал секторнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, етакчи тармоқларни техник ва технологик даражасини кўтариш ва бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этишда кенг имкониятларни очиб беради. Мана шундай имкониятлар аввало фундаментал тадқиқотлар, илм фан янгиликлари, янги билимлар, замонавий янги техника ва технологиялари ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш усулларида намоён бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузаси ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: “Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатадаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёнинг 141

¹⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган»²⁰.

Ҳақиқатан ҳам биз учун ғоят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Белгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларус 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган²¹.

Собиқ совет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбайжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин.

Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожи, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтирилаётган сарф-харакатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони ва неча фоизни ташкил этиши соҳасидаги битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади.

Юқорида баён этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган

²⁰ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

²¹ Ўзбекистон таълим тизими: яна бир юксак эътироф // Халқ сўзи, 2012 йил 28 август.

йотуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятнинг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базасини узлуксиз янгилаш, янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш, товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларига самарали кириб боришини таъминлашда инновацияларнинг ўрни каттадир. Инновацион йўналишга асосланган иқтисодий ўсиш ривожланишнинг эволюцион натижаси бўлиб, унинг моҳиятини фундаментал фанлар, янги илмий ишланмалар, назарий ва амалий кашфиётлар, бошқарувнинг янгича усуллари ташкил этади. Бу ерда асосий эътибор иқтисодий фаолиятдан кутилаётган мақсад, унга эришиш йўллари, бу йўналишда рақобат муҳитининг мавқеи ва таъсирига қаратилмоғи зарур.

Ўз навбатида инновацион фаолиятни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш механизми тизимини шакллантириш авваламбор, зарурий ҳуқуқий-меъёрий базани ҳамда инновацияни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи инфратузилмани шакллантириш орқали амалга оширилади. Инновацион жараёни тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси жуда кенг бўлиб, юқорида келтирилган тартибга солиш тизимининг тамойилларини қамраб олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг турли жиҳатларига тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий база такомиллаштиришни талаб этади. Шу билан биргаликда унинг бугунги тузилишини яқунланган деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у доимо жорий ривожланиш босқич вазифаларига мослашиб боради. Ҳозирда интеллектуал ташкил этувчилар ҳисобига қўшимча қиймат улушини ташкил этувчи юқори технологик рақобатбардош маҳсулотларни реализация қилиш ва ишлаб

чиқаришдаги ўсиш ҳисобига аҳоли турмуш шароитини ҳамда ЯИМни оширишга қаратилган барча таъсир чораларини қўллаш лозим бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Давлат инновацион сиёсати концепциясини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Ушбу концепцияни амалга ошириш натижасида инновацияларни ишлаб чиқиш ва қўллашни амалга оширувчи ташкилотлар улушини, инновацион маҳсулот улушини, саноат маҳсулотлари ҳажмини, меҳнат унумдорлигини ҳамда экспортга мўлжалланган юқори технологик маҳсулотлар улушини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш учун инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш талаб этилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Давлат инновацион сиёсати ва инновацион фаолият тўғрисидаги ҳамда фан ва илмий-техника тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқиш арафасида. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий актларнинг етишмаслиги ҳудудларда инновацион фаолиятнинг қонуний таъминотига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Инновацион сиёсат механизмлари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий тартибга солувчиси ва молиявий инструментлари бўлиб хизмат қилади.

Биринчи босқичда давлат инновацион фаолияти ҳуқуқий –меъёрий базасини яратиш ва авваламбор республикада инновацион фаолият тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим бўлмоқда. Ушбу қонунларни тайёрлашда авваламбор иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти таркибига кирувчи ривожланган мамлакатларни инновацион фаолияти тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион сиёсатни фаоллаштиришнинг иккинчи босқичида ҳудудларда инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш лозим бўлиб, бу авваламбор кичик инновацион корхоналарга ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш учун имтиёзли ижара тўлови, агар инновацион фаолиятдан олинган тушум корхона тушумидан ўрнатилган фоиздан юқори

бўлса, вилоят бюджетига тўланадиган фойдадан солиқ ставкасини камайтириш ва бошқаларда акс этиши лозим.

Иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришни таъминлашга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар шароитида илмий техник салоҳиятни сақлаш, уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурдир. Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун инновацион сиёсат стратегиясини ва тамойилларини шакллантириш тартибларини аниқлайди. Шу жумладан, қонун иқтисодиётда илмий ва илмий-техник фаолиятнинг ўрни; молиялаштиришнинг қўллаб-қувватлаш манбалари, инновацион фаолиятни бошқариш тамойиллари; инновация соҳасида давлат ва вилоятлар миқёсида давлат бошқарув органлари таъсирининг асосий шакллари, халқаро илмий-инновацион ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини акс эттиришга ёрдам беради.

Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий механизмлари барча манфаатдор тузилмаларнинг фикрларини ҳисобга олишни таъминлаши ва шу вақтнинг ўзида инновацияни рағбатлантириш бўйича чоралар қабул қилиш учун шароит яратиши керак. Инновацион сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири рақобатбардошликни ошириш ва шу билан бирга самарали технологиялар ва инновацион механизмларни қўллаш, кадрлар малакасини доимий равишда ошириш ҳамда товар ва маҳсулотларни ички ва жаҳон бозорида олдинги ўринларни эгаллашни таъминлаш ҳисобига инсонлар турмуш даражасини ошириш ҳисобланади.

Инновацион жараёнлар ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши иқтисодиётни бозор шароитида фаолият юритишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳудудлардаги инновацион салоҳиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш стратегиясини қуйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда:

– инновацион фаолиятни кенгайтириш учун банк кредитини жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш ва капитал бозорини ривожланиши учун

шароит яратиш;

- ёқилги-энергетика комплексида инновация фондини яратиш учун нефт маҳсулотлари, газ ва минерал хом-ашёдан олинган фойдадан мажбурий тўловлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- фондлар асосида, лойиҳалар узлуксизлигини таъминлаш учун ривожланган молиявий капиталга эга бўлган, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи фондлар ассоциациясини ташкил этиш;

- инновацион фаолият ва инновацион жараёнларни молиялаштиришда амортизация фонди маблағларидан мақсадли фойдаланиш тизимларини шакллантириш;

- инновацион фаолликни сезиларли даражада ошишини таъминловчи солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- қимматбаҳо қурилма ва ускуналардан фойдаланиб, илмий хажимли маҳсулотлар яратаётган ва ишлаб чиқараётган инновацион фаолият субъектлари учун самарали бозор механизми сифатида лизингдан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш.

Давлат инновацион сиёсатининг зарурий механизми сифатида—худудлар иқтисодиётининг ривожига истиқболли йўналишларда зарурий илмий-техник муаммоларни самарали ҳал этишни таъминловчи ресурслар, муддатлар ва тадбирларни бажарувчилари бўйича ўзаро алоқадор мажмуали-худудий инновацион дастурлар ишлаб чиқиш керак бўлмоқда. Дастурларни тайёрлашда истиқболли илмий-техник ютуқларни кенг қамровини тарқатиш учун зарур бўлган янги ва ўзаро алоқадор лойиҳалар, янги технологик жараёнларни шакллантиришга йўналтирилган, катта тузилмавий ўзгаришлар учун сезиларли аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий йўналишлар, башоратлар, мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча лойиҳаларни танлаш учун қуйидаги шартлар асосий мезон сифатида олинishi керак:

- фан-техника ривожланишининг истиқболли йўналишлари лойиҳалари

ҳамда креоген технологиялар мажмуаси орасидаги мослиги. Ҳаракатдаги бозор механизмларидан фойдаланиш ҳамда давлат томонидан зарурий қўллаб-қувватлаш ҳисобига ўрнатилган муддатларда муаммоларни ҳал этиш имкониятининг йўқлиги;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий технологиялар жараёнларида тузилмавий нисбатига сезиларли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган илмий-техник натижаларнинг технологик прогнотлиги ва янгилиги;

- инновация натижаларни қўллаш соҳасининг кенглиги;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларни технологик бирлаштириш мақсадида соҳалараро алоқаларни мувофиқлаштириш зарурияти;

- мавжуд кадрлар, моддий-техник база ва бошқа зарурий ресурслар имкониятидан келиб чиққан ҳолда, муаммоларни ҳал этиш.

Ўзбекистон Республикасида таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, инновацион сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида бизнинг фикримизча қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлмоқда:

- мамлакат экспорт нуфузини кескин оширишга йўналтирилган янги технологияларни ривожлантириш;

- инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий-меъорий таъминоти, уни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни хўжалик амалиётига жорий этиш;

- инновацион фаолиятни мажмуали қўллаб-қувватлаш, ишлаб-чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардошликни ва илм ҳажмли маҳсулотлар экспортини ошириш;

- ахборот таъминоти, экспертиза, сертификатлаш ва ишланмалар ҳаракати тизими, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимидан ташкил топган инновацион жараён инфратузилмасини ривожлантириш. Бу

жараёндаги ортида қолиш маҳаллий тадқиқотчиларнинг салоҳиятида эмас балким, товар ишлаб чиқарувчиларни янгиликларни жорий этишдаги кучсиз мотивациясидан иборат;

– инновацион лойиҳа ва дастурларни танлов асосида танлашни жорий этиш. Давлат томонидан хусусий инвесторларни унча катта бўлмаган ва тез копланадиган инновацион лойиҳаларни жорий этишда қатнашишини ва истиқболли ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий инвестициялар оқимини ортишига замин яратиш;

– ишлаб чиқариш самарадорлигига ва маҳсулот рақобатбардошлигини ортишига таъсир кўрсатувчи кичик миқдордаги базавий технологияларни танлаш орқали инновацион сиёсатни истиқболли йўналишларини амалга ошириш.

Илм-фан тараққиётини ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига ёйиш, ноёб ишланмалар яратишнинг мақсадли тизимини шакллантириш ва уларни амалиётга жорий этишни тезлаштириш мақсадида инновацион бизнесни ривожлантириш зарур. Бунда технопарк тузилмалари – «бизнес инкубатор»ларини ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Уларнинг асосий вазифаси – илғор тармоқларнинг ривожланишини рағбатлантириш, инновация жараёнини, истиқболли илмий ғоялар ва кашфиётларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш, турли хилдаги хизматларни кўрсатиш ва инновация корхоналари учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, ташкилий ишларни ҳал қилишда, молиявий маблағларни жалб қилиш ва улардан янада самарали фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқишда кўмаклашиш. Бунга олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот марказлари ва инновациялар билан шуғулланувчи корхоналарнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш йўли билан эришилади. Бизнес инкубаторлар кичик инновация корхоналарининг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур инфратузилмани яратади.

3-боб бўйича хулоса

Ҳозирги кунда мамлакатларнинг қудрати унинг иқтисодий ҳамда илмий-техник кўрсаткичларига асосланиб белгиланади. Иқтисодий ривожланишда технологик таркиб улушининг ортиб бориши жаҳон бозорида миллий ва минтақавий рақобатбардошликнинг ошишининг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатда технологик ривожланиш ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришнинг муҳим воситалари қуйидагилардан иборат:

- мулкчиликнинг интеллектуал ҳуқуқларининг тўла амалга оширилиши;
- корхоналарнинг ташкил қилиниши босқичида, айниқса инновацион корхоналар учун, солиқ ҳамда молиявий рағбатлар;
- амалий ва фундаментал таъдқиқотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- таъминотчилар ва субконтрактчилар тармоғини шакллантириш асоси сифатида, саноат ассоциацияларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш;
- хусусий корхоналар фаолияти доирасида ишлаб чиқариш кўникмалари ва тажрибасини, ҳамда мутахассислик билимларини ва квалификацияни ошириш учун давлат дастурларини шакллантириш;
- техник прогрессни таъминловчи таълим.

Ўзбекистон шароитида иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солувчи чора-тадбирлар бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса натижада инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг миллий тизимини шакллантиришга асос бўлади. Ҳозирги кунда фақат давлат тамонидан узоқ ва қисқа муддатли дастурлар тайёрлаб ҳамда уларни зарурий инвестиция ҳажми билан таъминлаб, Ўзбекистоннинг мавжуд илмий-техник салоҳиятини сақлаб қолиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларнинг илмий ва инновацион сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: мамлакат иқтисодиёти ривожига фан ва техника улушини ошириш; моддий ишлаб-чиқариш соҳасини

прогрессив ривожланишини таъминлаш; жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш; мамлакат муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш; экологик муҳитни яхшилаш; мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Хулоса ва таклифлар

Сўнгги юз йил давомида халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги ахборот-технология тузилмаси вужудга келди ва шаклланди. Унинг негизини жаҳон ахборот ва технологиялар бозори ташкил этади.

Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорининг объектлари - бу моддий (қурилмалар) ва номоддий (турли кўринишдаги ахборотлар, ишлаб чиқариш тажрибалари ва билимлар) кўринишидаги интеллектуал фаолият натижаларидир. Жаҳон ахборот ва технологиялар бозорида давлат тузилмалари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар-мутахассислар қатнашади. Маълумотлар ва технологиялар жаҳон бозори жуда тез ривожланмоқда. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, ахборот ва технологиялар тармоғи АҚШ ЯИМининг салкам 75 фоизини таъминлаган.

Ахборот-технологиялар айирбошлашни асосий каналларига давлатлараро; фирмалараро; фирма ичидаги айирбошлаш киради.

Назарий моделни бозор талабига мос технология-товарга айлантириш жараёни инновацион фаолият деб аталади, бу жараённинг асосий унсури - ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиликларни тижоратлаштириш, ахборот билан таъминлаш ва ходимлар тренингига ихтисослашувчи инновацион-технологик марказлар (ИТМ)ни яратишдир. ИТМлар кўплаб ўрта ва кичик корхоналарни бирлаштирувчи конгломератлар саналади. Давлат эса бундай марказларга илмий-ишлаб чиқариш ва сервис эркин иқтисодий ҳудудлари доирасида илғор лойиҳалар ва янги технологияларни синовдан ўтказиш учун ўзига хос «инкубатор»ларни яратиш орқали кўмаклашиши мумкин.

ИТМлардан ташқари инновацион фаолиятда НИОКР билан шуғулланувчи махсус бўлимларига эга бўлган ТМКларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, илмий-техникавий янгиликларга қилинадиган харажатлар «ИБМ» ва «Кодак» компаниялари савдодан тушган даромадларининг 6 фоизигача миқдорга етади, «Боинг»да — 5,5 фоиз, «Хегох»да эса — 4,7 фоиз. Сотиб олинган патентлар ва

лицензияларнинг 4/5 қисми халқаро корпорацияларга тўғри келади.

Замонавий мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳақиқий ўрнини биринчи навбатда илмсиғимли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юқоритехнологик тармоқларнинг ривожланиши белгилаб беради.

Жаҳон илмсиғимли тармоқлар маҳсулоти бозорининг умумий ҳажми тахминан йилига 2,5-3 трлн. долл. деб баҳоланади. Юқори технологик товарлар сирасига кирадиган маҳсулотлар қийматида ИТТКИ улуши 3,5%дан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 3,5-8,5%га тенг бўлса, мазкур товарлар «юқори сифатли техника», 8,5%дан юқори бўлса, бу «энг юқори сифатли техника» деб ҳисобланади.

Энг юқори илмсиғимли салоҳиятга эга технологик новациялар, иқтисодий ривожланишдаги кўламли ўзгаришлар асосига айланади. Шу билан бирга бу ўзгаришлар янги авлод маҳсулотига қондирилмаган талаб таъсири остида жаҳон бозорининг тезкор ривожини билан ривожланади. Миллий ЯИМ тузилмасида кенгайиб бораётган юқори технологик маҳсулотлар улуши жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожланиш динамикасини тобора фаолроқ белгилаб беришни бошламоқда.

Жаҳон технологиялар бозорида асосий субъектлар сифатида ТМКлар иштирок этади, уларда бош ва шўъба компаниялар ИТТКИ натижаларидан биргаликда фойдаланадилар. Натижада, жаҳон технологиялар бозори миллий технологиялар бозорига нисбатан яхшироқ ривожланган. Жаҳон технологиялар савдосининг 2/3 қисмига яқини ТМКнинг ички фирма савдосига тўғри келади. Саноати ривожланган мамлакатлар лицензия тушумларининг 60%дан ортиғи корпорация ички тушумлари ҳиссасига тўғри келади (АҚШда - 80%).

Энг йирик ТМКлар тадқиқотларни ўз қўли остида тўплайди, бу эса жаҳон технологиялар бозорининг монополлашишига олиб келмоқда (монополистик назорат даражаси 89-90%ни ташкил қилади);

Жаҳон технологиялар бозорида ТМКларнинг мустақил фирмалар ва мамлакатларга нисбатан стратегияси технологияларнинг ҳаётийлик цикли

билан аниқланади.

Охирги ўн йилликда уч гуруҳ технологиялари: юқори технологиялар (нано-, био- ва экотехнологиялар), ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва янги бизнес-технологиялар жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига энг кўп таъсир ўтказди.

Йирик ТМКлар кўпинча ўз фаолиятини илмий-техник тараққиётини белгиловчи тез ривожланаётган саноат тармоқларига қаратади. Улар 90-йилларнинг охирида компаниянинг 100 та йирик ТМКлар рўйхатига кирган компаниялар хорижий активларининг 15 %дан юқорироғи тўғри келадиган электроника саноатига жуда фаол қизиқмоқда. Бу рўйхатларда кимё, казиб олиш ва автомобил саноати корпорациялари юқори ўринларни эгаллайди.

Ҳозирги вақтда юқори технологик бизнесда, бутун иқтисодиёт тизимидагидек каби учта энг йирик марказ – АҚШ, Япония, Ғарбий Европа вужудга келдики, асосий рақобат кураши улар ўртасида амалга оширилмоқда. АҚШ бугунги кунда асосан қуйидаги соҳаларда етакчилик қилмоқда: компьютер ускуналарини (75%) ва дастурий воситалар (65%) етказиб бериш бўйича.

Фақат жуда йирик компанияларгина ИТТКИга йирик харажатларни сафарбар этишга қодир. Масалан, АҚШ ТМКларининг умумий сотувлар ҳажмида ИТТКИга харажатлар товар айланмасининг 3-5 %ини ташкил этади (IBM – 6%, Боинг – 5%, Ксерокс – 4%, Дженерал Моторс – 3%). Саноати ривожланган мамлакатларнинг автомобилсозлик концернлари ҳам ИТТКИга ўз айланмасининг 3–5%ни йўналтиради (Volkswagen – 5%, BMW – 4,8%, Ford – 4,7%, Toyota – 4,2%).

Ҳозирги кунда мамлакатларнинг қудрати унинг иқтисодий ҳамда илмий-техник кўрсаткичларига асосланиб белгиланади. Иқтисодий ривожланишда технологик таркиб улушининг ортиб бориши жаҳон бозорида миллий ва минтақавий рақобатбардошликнинг ошишининг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон, халқаро технологиялар бозорига фаол кириб борар экан,

айни вақтда ўз ички бозорини шакллантирмоқда. Интеллектуал мулк объектлари (ИМО) бўйича шартномаларни рўйхатга олиш жараёни барқарор ижобий динамикага эга. Ҳуқуқларни ўтказиш бўйича энг юқори фаоллик товар белгилари бозорида кузатилади.

Кўпчилик мамлакатлар ўз олдига билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Бундай ўтиш самарали илмий-техник тараққиётни таъминлашни, мавжуд (молиявий ва моддий) ресурсларни илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият учун қулай шароитларни яратиш томонга қайта тақсимлашни аниқлайди.

Мамлакатнинг жаҳон лицензиялар бозорига кириш тенденцияларини ҳисобга олиб ва янгиликларни жорий этиш, илмсиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда муваффақиятларга эришган ҳамда жаҳон технологиялар бозорида етакчи мамлакатларни эгаллаб турган юқори ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, Ўзбекистон мавжуд интеллектуал салоҳиятга ва илмий-техник ресурсларга асосланган ўз тараққиёт стратегиясини танлаб олиши керак.

Мамлакатда технологик ривожланиш ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришнинг муҳим воситалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мулкчиликнинг интеллектуал ҳуқуқларининг тўла амалга оширилиши;
- корхоналарнинг ташкил қилиниши босқичида, айниқса инновацион корхоналар учун, солиқ ҳамда молиявий рағбатлар;
- амалий ва фундаментал таъдқиқотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- таъминотчилар ва субконтрактчилар тармоғини шакллантириш асоси сифатида, саноат ассоциацияларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш;
- хусусий корхоналар фаолияти доирасида ишлаб чиқариш кўникмалари ва тажрибасини, ҳамда мутахассислик билимларини ва квалификацияни ошириш учун давлат дастурларини шакллантириш;
- техник прогрессни таъминловчи таълим.

Инновация фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда венчурли молиялаштириш Жамғармасини ташкил этиш ва бунда қуйидаги масалалар алоҳида эътиборга олинishi лозим:

- замонавий ускуналар ва технологиялар яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, янги инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишнинг йиллик ва ўрта муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

- маҳаллий илмий-ишланмалар яратиш ва уларни жорий этиш бўйича аввалдан буюртмалар бериш тизимини ташкил этиш;

- хом ашёни бирламчи қайта ишлайдиган оддий ишлаб чиқариш тизимини юксак технологик ишлаб чиқариш занжирига ўтказиш амалиётини жорий этиш;

- машинасозлик ва металлга ишлов бериш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик тармоқлари ва қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида янги маҳсулот турларини кўпайтириш.

- «фан-ишлаб чиқариш-истеъмолчи» занжирининг иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши;

- технологик инфратузилма – технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технологиялар трансфери марказларини ташкил этиш;

- янги техника ва технологияларни яратувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар ўртасидаги воситачилик – инновацион технологиялар биржаларини барпо этиш.

Инновация фаолиятини тартибга солишда корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш, маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқиши ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишда молиялашнинг лизинг шаклини кенг тарғиб қилиш лозим. Лизинг ҳозирги вақтда машиналар ва асбоб-ускуналар харид қилишнинг мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан тўлиқ тан олинган ва синовдан

ўтказилган усули ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солувчи чора-тадбирлар бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса натижада инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг миллий тизимини шакллантиришга асос бўлади. Ҳозирги кунда фақат давлат томонидан узоқ ва қисқа муддатли дастурлар тайёрлаб ҳамда уларни зарурий инвестиция ҳажми билан таъминлаб, Ўзбекистоннинг мавжуд илмий-техник салоҳиятини сақлаб қолиш мумкин.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон бой табиий ресурсларга сиғимли ички бозорга, ва муҳими, тез ўсувчи меҳнатга лаёқатли аҳоли ва ноёб илмий-техник салоҳиятга эга бўлиб, улар учун нафақат илғор хорижий технологияларни ўзлаштиришда, балки ўз янгиликларини ишлаб чиқиш ва қўллашда ҳам қийинчиликлар мавжуд эмас. Бунинг учун бизга ўзимизда мавжуд бўлган ва бизга тақлиф қилинаётган имкониятларни малакали баҳолаш талаб қилинади.

Инновацион инфратузилма объектларини (инновацион-технологик марказлар, технопарклар ва х.к.), инновацион фаолият соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар тармоғини янада ривожлантиришга, илмий-техник соҳада кичик инновацион корхоналарни, махсус интеллектуал мулк ва илмий-техник хизматлар биржаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим.

Афсуски, мавжуд юқори салоҳиятга қарамай, Ўзбекистонда илмий-техник ижодкорлик натижаларини пулга айлантириш иқтисодий ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча суст кечмоқда.

Хорижий мамлакатларда (ҳам саноати ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда) патент тизимини такомиллаштириш ва интеллектуал мулк иқтисодиётининг бир қисми сифатида ривожлантириш тажрибаси бизнинг мамлакатимиз учун жуда қимматли ҳисобланади. Патент тизимини халқаро меъёрларга мослаштириш, шунингдек интеллектуал мулк

объектларини мослаштирилган халқаро техник баҳолаш усулларини жорий этиш миллий ихтирочиларга ва инноваторларга фойдалидир, чунки ҳеч нарсა пухта ўйланган ва амал қилаётган патент тизими сингари инновацион фаолликни моддий рағбатлантиришга кучли кўмаклашмайди. Бу мамлакатга капитал, тажриба, илғор техника ва технология етишмовчилигини қоплай олувчи чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг зарурий шартидир. Ва ниҳоят, бу мамлакатимизнинг халқаро савдо тизимиға кўшилишининг зарурий шarti ҳисобланади, чунки интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш муаммолари асосий масала бўлиб, мамлакатимизнинг кўпгина халқаро ташкилотларға ва айниқса УСТға аъзо бўлишининг асосий шarti ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ 1731 сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

9. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.
10. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.
- 11.Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.
13. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.:Ўзбекистон, 2009.
- 14.Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш — давр талаби». «Халқ сўзи», 2009 йил 14 феврал.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

15. Постановление Агентства по внешним экономическим связям, Министерства финансов, Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан от 11 ноября 2004 года №№ ЭГ-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 «О внесении дополнений в Перечень стран, с которыми подписаны Соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве с предоставлением режима наибольшего благоприятствования». Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 14 января 2005г. Регистрационный № 426-4.

IV. Асосий адабиётлар

16. G.G'. Nazarova, N.M.Salixova. Jahon iqtisodiyotining globallashuvi. O'quv qo'llanma. T.: TDIU, "Iqtisodiyot", 2011. - 320 b.

17. Nazarova G. va boshqalar. Xalqaro menejment. Darslik. T.: TDIU, 2011.

18. Чепель С.В. Роль институционального фактора в обеспечении условий перехода к инновационной модели экономического развития. //Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI - ASIA, 2011.

19. Ноздрева Р. Б. Международный маркетинг - М.: Экономистъ. - 2005. - с. 601.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

22. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

23. Мировая экономика: учебник /под. ред. Б.М. Смитиенко. - М.: Высшее образование, Юрайт - Издат, 2009.- 581 с.

24. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008.

25. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.

26. Воронин В.П., Кондракова В.Г., Подмолодина И.М. Мировая экономика. М. 2008.

27. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.

V. Қўшимча адабиётлар

28.Каюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ТДИУ, 2012

29.Аханов С.А., Нурланова Н.К., Альжанова Ф.Г. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии оценки и пути повышения. Алматы: Экономика, 2009.

30.Артемьев И.Е. Рынки технологии в мировом хозяйстве. - М.: Наука, 2009.

31.Коротаев А.В. Новые технологии и сценарии будущего, или Сингулярность уже рядом? - М.: Издательство ЛКИ/URSS, 2009.

32.Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина – М.: Магистр, 2008.

33.Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия- 2050. Стратегия инновационного прорыва. М. «Экономика». 2004.

34.Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. Жахон иқтисодиётига интеграция. Т.:ТДИУ. 2004.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

35.Эпоха перемен. //Экономическое обозрение, 2011, №7-8 (141).

36.Г.Федяшева, Е.Орлова. Промышленность Узбекистана за годы независимости: от сырьевых отраслей к высокотехнологичному производству. //Бозор, Пул ва Кредит. 2011, №10 (173).

37.Б.Ғойибназаров, Ш.Отажонов. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илғор илм-фан ютуқлари ва инновацияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш истикболлари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011, №5.

38.Васильев А.С. Альянсы европейских ТНК в фармацевтической промышленности: статья //Проблемы экономики. - 2010. - № 1 (35).

39.Шаакрамов Қ. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг индустриал-инновацион ривожланиши ва иқтисодий ўсиш омиллари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.

40.Мухитдинов Х. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацияли ривожлантириш истикболлари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.

41.Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник. – Т.: «Узбекистан». 2011.

42.Основные направления и итоги деятельности. Годовой отчет, 2010. Ташкент: Государственное патентное ведомство РУз, 2011.

43.Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2011.

44.World Economic Outlook. IMF.

45.UNIDO Industrial Development Report.

46.UNCTAD World Investment Report -2009.

47.WIPO Statistics Database and World Bank (World Development

VII. Интернет сайтлар

- 48. www.gov.uz
- 49. www.patent.uz
- 50. www.mfer.uz
- 51. www.UzA.Uz
- 52. www.review.uz
- 53. www.cer.uz
- 54. www.businesspress.ru
- 55. www.mfa.uz
- 56. www.wto.org
- 57. www.worldbank.org

ИЛОВАЛАР



1-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши²²

1-жадвал
Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида²³

Субиндекслар	Ресурсларга йўналтирилган босқич	Самарадорликка йўналтирилган босқич	Инновацияга йўналтирилган босқич
Базавий талаблар	60	40	20
Самарадорлик кўрсаткичлари	35	50	50
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5	10	30

²²The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. p. 8.

²³The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 8.

2-жадвал

**2009-2010 йиллар учун глобал рақобатбардошлик индекси бўйича
биринчи ва охириги ўнликка кирувчи мамлакатлар²⁴**

Мамлакатлар	2009-2010 й.		2008-2009 й.
	Ўрни	Балл	Ўрни
Швейцария	1	5,60	2
АҚШ	2	5,59	1
Сингапур	3	5,55	5
Швеция	4	5,51	4
Дания	5	5,46	3
Финландия	6	5,43	6
Германия	7	5,37	7
Япония	8	5,37	9
Канада	9	5,33	10
Нидерландия	10	5,32	8

3-жадвал

**Ўзбекистонда ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз
ҳисобида)**

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

4-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

²⁴The Global Competitiveness Report 2009-2010World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 13.

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ривожлантиришнинг
макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози (олдинги йилга нисбатан
фоизда)**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,2	108,0
Саноат маҳсулотлари чиқариш	107,7	108,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	107,0	106,0
Капитал қуйилмалар ҳажми	111,6	109,3
Чакана савдо айланмаси	113,9	113,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	114,2	116,0
Истеъмол нархлари индекси	107,0	107-109
Давлат бюджети камомади (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,4	-1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (йиллик)	12	12

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилга асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли қарори, 2012 йил 25 декабрь.

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011-2015
йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари²⁵**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, %	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, млн. АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, %	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги №ПҚ-1442 сонли Қарори.

7-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.


8-жадвал

2013 йилда фойдаланишга топшириладиган янги объект ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объект ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрин, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм пойабзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт соҳаси	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8549

9-жадвал. Ўзбекистонда иқтисодийнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2



2-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.²⁶

²⁶ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

10-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда²⁷

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

11-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда²⁸

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

²⁷ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

²⁸ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/